БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 27 октябрь Шанба
№ 206 (13.642).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

29 октябрь — Комсомол туғилган кун



Сиз мана шу тасвирлардаги суратларга бир назар ташланг. Улар турли ёш, касб-кор соҳиблари бўлган йигит-қизлар. Ҳаётда ўринлари ҳам, дилларидаги эзгу орзулари ҳам, феъл-атворлари ҳам — хуллас, ҳамма-ҳаммаси ҳар бир ёшнинг ўзига хос. Бу табиий, албатта. Лекин уларда ягона бир ўхшашлик, ғоявий муштараклик, ҳаётда собитқадамлилик мавжуд. Уларни бирлаштирган ташкилот — бу комсомол!

Комсомол йигит-қизларни жипслаштириб турган ягона расмий ташкилот. У ўз ишини қайта қуриб, йигит-қизларнинг қонуний ҳуқуқларини, манфаатларини ҳақиқий ҳимоячиси, камолотига, қанотига айланса ажаб эмас.

СУРАТЛАРДА: чапда Тошкентдаги подшипникларни таъмирлаш заводи токарлик цехининг токари Нуриддин Шерматов, ўнгда Бухоро вилояти Қизилтепа ноҳиясидаги Навоий номли жамоа хўжалигининг илғор теримчиси Ҳадича Темирова, пастда Чимкент муаллимлар олий билимгоҳининг ўзбек тили ва адабиёти куллиётининг бир гуруҳ талабалари, Беруний ноҳияси комсомол қўмитасининг ҳисоб шўъбаси мудираси Раъно Раимбоеваларни кўриб турибсиз.

Сураткашлар: Ҳ. СОЛИҲОВ, Ҳ. ҚУРБОНОВ, Ж. БОБОРАҲМАТОВ, Ж. ҚОЗОҚОВ.







КОМСОМОЛ ҲАҚИДА СЎЗ

Комсомол ҳақида баландпарвоз иборалар айтиладиган вақтлар ўтди. Кўпгина ижтимоий-сиёсий ташкилотлар қатори давр уни ҳам ўзига хос синовдан ўтказмоқда. Илгарилардай фақат қоғозларда қолиб кетадиган «ўз-ўзини танқид» энди йўқ. Қайта қуриш комсомолларга шижоат бахш этди.

Яхшиси, комсомол ҳақида сўзни ҳар бир давр ўз кишиси, ўз тарихи гапирсин, деб ўйладим.

Сўз — Абдулла Набиев ёки Майна Ҳасанова каби дастлабки комсомолларга. Айтсинлар, умуман сиёсат тўғримиди, комсомол ташкилотининг тузилиши ўша давр учун зарурмиди? Унинг куч-қудрати, мавқеи қандай эдики, ёшларни халқ, ҳаёт, келажак учун фидойилик қилишга, жасорат кўрсатишга, азиз жонларини қурбон қилишга чорлай билди.

Улуғ Ватан уруши йилларида йигит-қизларни мислсиз қаҳрамонликларга ундаган наҳотки комсомолга бўлган эътиқод эди?!

Турғунлик даврига келсак. Совет тузумининг қаердаки энг оғир меҳнат жабҳаси бор, комсомол ёшларга йўлланма бермаган бўлсин. Ёшлар боришган, жон фидо қилиб ишлашган.

Қатағон йиллари тутқунликка учраган, шаҳид кетган ота-боболаримиз, ака-опаларимиз, қон-қариндошларимиз агар қайта тирилса-да, ҳозирги кун кўзгусидан ўтган умрларига, юрган йўлларига, сажда қилган ғояларига назар ташласалар, нима деган бўлардилар.

Улар ўтмишни лаънатлармидилар ёки бугунни?

Комсомол ташкил топган кун арафасида кўпгина ёшлар, шу жумладан ТошДД ҳуқуқшунослик куллиёти талабалари билан мулоқотда бўлдим.

Гулнора ҚОДИРҚУЛОВА: Комсомолни сақлаб қолиш керак. Одамларнинг, жамиятнинг шу кетиши бўлса ҳар қандай ташкилот тузавериш тўғри бўлмайди. Унинг давлат мақомидаги сиёсий кучини мустаҳкамлаш зарур.

Матлуба МИРЗААБДУЛЛАЕВА: 30-йиллар комсомоллари ҳақида эшитганмиз. Мавқе мартабалари ёшлар орасида ҳар нарсага қодир, қўллари узун эди...

Нишонбой ҚУРБОНОВ: Фирқа аъзосиман. Комсомол ёки фирқага кираётганимизда сўрашади: «Нима мақсадда аъзо бўлмоқчисиз?» Гап шундаки бу ташкилотлар сиёсий ташкилотлар экан, аввало киши онгида маънавий манфаатдорликни ҳис қилдира олсин.

Аброр МУРОДОВ: Ёшларнинг иқтисодий манфаатдорлиги учун қайғурадиган ташкилотлар бор. Ҳаётнинг ҳамма юкини комсомол бўйнига осиш керак мас.

Эшитиб ўтирсангиз, комсомол инқирози сабаб — оқибатлари ҳақида суҳбат узоқ чўзиладиган. Яхшиси, саволлар бера қолай.

— Яқинда бўладиган съезд комсомолнинг ҳаёт-мамот масалаларини ҳал қила оладими?

— Умуман унинг истиқболи ҳақида нима дейсизлар?

— Ёшлар инсонийлик, одоб-аҳлоқ тарбияланиши учун бирор бир ташкилотга аъзо бўлиши шартми?

— Ҳаётда жонингизни қурбон қилишга арзийдиган нарса борми? Жавоблар:

— Агар ушбу съезд ҳам ҳар доимгидек қуруқ ваъзхонлик, сафсата сотиш билан ўтса, билингки комсомол ўз умрини яшаб бўлди.

— Инсон ҳар доим ҳам ақл-идрокка таяниб иш кўрадиди деб айтолмаймиз. Унга атроф-муҳит, жамиятнинг қандайдир таъсир кучи керак барибир. Жамиятда ёшларни ёмонликдан, ваҳшийликдан ушлаб турадиган комсомолми, динми, энг асосийси унинг маънавиятига ижобий таъсирни кўрсатсин. Мардлик, ор-номус, қадрият ҳар бир ёшнинг қалбидан жой олсин.

Бугун комсомол туғилган кун. Демак, унинг жумҳуриятимиздаги 3 миллионлаб аъзолари учун байрам.

Қизиқ, масалан, менинг туғилган куним бўлса, даврада дўсту-биродарларим, ўтаётган умримдаги қатор камчиликлар, гуноҳу-айбларимни мунозара қилиб ўтирмайдилар. Бу кунда мени фақат табриклашади, яхши тилаклар билдиришади.

Инсон умри билан комсомолни қиёслаш мантиқан зид бўлар. Лекин барибир комсомол яхшими, ёмонми жамиятда фаолият кўрсатиб келди. Келинг, хеч бўлмаса бугун — у туғилган кун танқидни бир чеккага қўйиб турайлик. Байрамингиз қутлуғ бўлсин, комсомол фахрийлари, етакчилари, азиз сафдошлар!

Меҳрибон ҚУРБОННИЁЗОВА.

ТАБРИКЛАЙМИЗ, ЛАУРЕАТЛАР!

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси бюроси адабиёт ва санъат юзасидан Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотлари комиссиясининг тавсиясини, шунингдек, комиссия эътиборига ҳавола этилган комсомол ва ёшлар, жамоатчилик вакилларининг кўпдан-кўп фикр-мулоҳазалари, тавсиялари, оммавий ахборот воситаларидаги эълон қилинган мақолаларни кўриб чиқиб, қуйидаги бир группа ёш ижодкор зиёлилар ва ижодий коллективларга 1990 йилги Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотини бериш тўғрисида қарор қабул қилди:

АДАБИЁТ ВА ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА

1. **Усмон НОСИР** (Муҳаммадхўжаев)га (марҳум) — ўзбек адабиётини тараққий эттиришдаги беқиёс хизматлари, қардош халқлар адабиётини мустаҳкамлаш ва ўзаро бойитишдаги катта самарали фаолияти учун.

2. **Муҳаммад ЮСУФга** — Ғафур Ғулом номидаги нашриёт шеърият бўлими муҳаррири, «Уйқудаги қиз» лирик шеърлар тўплами учун.

3. **Ашурали ЖЎРАЕВга** — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномаси бўлим мудири, «Юрак бўронлари» ҳужжатли қиссаси, туркум мақолалари учун.

КОНЦЕРТ ИЖРОЧИЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДА

1. **Маҳмуджон АЗИМОВга** — Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият уйининг «Парвоз» дастаси хонандаси; **Элмурод ИСЛОМОВга** — В. И. Ленин номидаги жумҳурият кашшофлар саройи доирачилар дастаси раҳбари; **Салоҳиддин ЛУТФУЛЛАЕВга** — Й. Охунбобоев номидаги Қарши педагогика билим юрти муаллими; **Абдулла ТИЛЛАЕВга** — Хоразм вилояти Боғот маданият уйи «Парвоз» дастаси раҳбари; **Маъмуржон ТЎХТАСИНОВга** — Фарғона вилоятининг Олтиариқ ноҳиясидаги 14-мусиқа мактаби муаллими; **Сайёра ҚОЗИЕВАга** — Сурхондарё вилояти, Бойсун ноҳияси «Шалола» ашула ва рақс халқ дастаси хонандаси; — юксак ижрочилик маҳорати, ўзбек миллий мусиқа санъатини тарғиб этгани, комсомол тадбирларидаги фаол иштироки учун.

2. **Тўрткўл ноҳияси «Тарона» дастасига** — Қорақалпоқ халқларининг қадимий фольклор ижодиётини тиклагани учун.

3. **«САҲНАДАГИ ЦИРК» Тошкент жамоалари дирекциясининг ўзбек дорбозлари цирк гуруҳига (Мурод Тошкенбоевга, Тоҳир Тошкенбоевга, Юсуфжон Тешабоевга, Карима Зариповага)** — цирк санъатини тараққий эттиришдаги ва миллий анъаналарни ривожлантиришдаги ҳиссаси учун.

ТЕАТР САНЪАТИ СОҲАСИДА

1. **Қашқадарё вилояти «МУЛОҚОТ» театр студияси жамоасига** — спектаклларнинг юксак ғоявий-бадиий савияси ва ўзбек миллий театри анъаналарини фаол тарғиб этгани учун.

2. **Муножот ТЕШАБОЕВАга** — А. Ҳидоятов номидаги театр актрисаси; **Виктор ВЕРЖБИЦКИЙга** — Горький номидаги рус академик Давлат театри актёри, юксак ижрочилик маҳоратлари учун.

3. **«ҚИЗИҚЧИ», «НАФОСАТ», «КАМОЛОТ» жумҳурият беллашувлари режиссёр ва саҳналаштирувчилари гуруҳига (О. МУҲИТДИНОВга, Б. САЙФУЛЛАЕВга, Ш. ҚОДИРИЙга, М. ЙЎЛДОШЕВга) шунингдек, «Қизиқчи-89» конкурси ғолиби Обид АСОМОВга, «Камолот-89» конкурси ғолиблари Охун МАДАЛИЕВга, Ғиёс БОЙТОЕВга, Муҳритдин ҲОЛИҚОВга** — оммавий томоша тадбирларини уюштиргани, юксак ижрочилик маҳорати, халқ санъатининг турли жанрларини оммалаштирганликлари учун.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ СОҲАСИДА

1. **Рауф АҲМЕДОВга** — Тошкент вилоятининг Чиноз ноҳиясидаги «Октябрь» жамоа хўжалиги безакчи-рассоми, «Муштум» ойномасидаги, «Ёш ленинчи» ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномаларидаги туркум карикатуралари учун.

2. **Акмал НУРИТДИНОВга** — иқтидорли санъат асарлари яратганлиги, Ўзбекистон ССЖ Мусаввирлар уюшмаси қошидаги рассомлар ва санъатшунослар ёшлар бирлашмасидаги фаол жамоатчилик ишлари учун. **Азим ҲАЗРАТОВга** — Ўзбекистон ССЖ Мусаввирлар уюшмаси бадиий фондининг Бухоро бадиий ишлаб чиқариш устахонаси рассоми; — иқтидорли санъат асарлари яратганлиги учун.

ССЖИ ПРЕЗИДЕНТИ МАДРИДГА ЖЎНАБ КЕТДИ

М. С. Горбачев Испания қироли Хуан Карлос I нинг таклифига биноан 26 октябрь куни расмий ташриф билан Москвадан Мадридга жўнаб кетди. ССЖИ Президенти Франция Президентининг таклифига биноан шу мамлакатга ҳам ташриф буюради.

Сафарда М. С. Горбачевга Э. А. Шеварднадзе, Л. А. Воронин, Н. А. Назарбоев, А. С. Черняев, С. К. Романовский ҳамроҳлик қилмоқдалар.

Тайёрагоҳда Президентни ССЖИ Вазирлар Кенгашининг Раиси Н. И. Рижков, ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьянов, ССЖИ Президентлик Кенгашининг аъзолари В. В. Бакатин, В. И. Болдин, В. А. Крючков, Ю. Д. Маслюков, В. А. Медведев, Ю. А. Осипьян, С. С. Шаталин, Д. Т. Язов, А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Қўмитаси Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида Испаниянинг ССЖИдаги муваққат ишлар вакили Э. Панез, Франциянинг ССЖИдаги муваққат ишлар вакили М. Песик бор эдилар.

(СИТА).

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президентининг Фармони

ЖУМҲУРИЯТ АҲОЛИСИНИНГ ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРИДАГИ ЧОРВА ВА ПАРРАНДАНИ ОЗУҚА БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Жумҳурият аҳолисининг шахсий хўжаликларидаги чорва ва паррандани озуқа билан таъминлашни янада яхшилаш ва чорвачилик маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш мақсадида қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайман:

1. 1991 йилдан бошлаб чорвачилик учун озуқа бўлган пахта чигитини қайта ишлаш маҳсулотини (ксилит ишлаб чиқариш ва айирбошлаш ишларига бериладигани бу ҳисобга кирмайди) жумҳуриятдан ташқарига етказиб бериш бекор қилинсин.

2. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши:

— Қорақалпоғистон МССЖ, вилоят, район ижроия қўмиталари, халқ депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари иштирокида ушбу масала юзасидан илгари қабул қилинган Фармон қандай бажарилаётганини текширсин ҳамда аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларини бутун чоралар билан ривожлантиришга қаратилган ва 1991 йилда давлат ресурсларидан йилига ҳар бир сигирга 160 килограмм кунжара, 115 килограмм чигит шулхасини қўшимча равишда ажратишни кўзда тутувчи тегишли қарор қабул қилсин;

— аҳолига хашак, ширали озуқа ва кўкмак сотишни кескин кўпайтириш учун барча имкониятлардан фойдалансин;

— ушбу Фармон бажарилиши устидан қаттиқ назоратни таъминласин, Фармон қандай рўёбга чиқарилаётганлиги тўғрисида мунтазам, ярим йилда бир марта ахборот бериб турсин ва текширув материалларини матбуотда ҳамда телевидение орқали ёритиб борсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил, 25 октябрь.

Слёт минбарига

ТЎҒРИ СЎЗ ТОШНИ ЁРАДИ

Бугун Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ ноҳиясидаги «СССР 50 йиллиги» номли кашшофлар оромгоҳида XV жумҳурият кашшофлар слёти ўз ишини бошлайди.

Кашшофлар ташкилоти мустақил равишда фаолият кўрсата оладими? Бунинг учун нималар қилиш керак. Кашшофлар етакчиси ўз обрўсини тиклай олишадими? Шу ва шунга ўхшаш саволларга жумҳурият слёти жавоб бериши керак.

Жамоатчи мухбиримиз Андижон вилоятининг Бўз ноҳиясидаги Миртемир номли 14-ўрта мактаб кашшофлар етакчиси Матлубахон СОБИРОВА билан шу мавзуда суҳбатлашди.

— Матлубахон, ноҳия кашшофлар ва ўқувчилар уйининг директори Кибор Аҳмедовнинг гапларига қараганда, Сиз етакчилик қилаётган ташкилот ноҳиядаги бошқа кашшофлар жамоаларига қараганда ибратли ишларни амалга ошираётган экан...

— Ташкилотимиз эришаётган ютуқларнинг, боиси шундаки, биз бошқа ҳамкасбларимизга ўхшаб, ноҳия кашшофлар Кенгаши томонидан белгилаб берилган режа асосида фаолият кўрсатишдан воз кечганмиз. Муваффақият омилларидан бири шундаки, биз отряд етакчиларини танлаш чоғида уларнинг болалар билан тил топишиш қобилиятига эътибор берамиз. Шунингдек, етакчининг жамоат ишларидаги иштироки ҳам назардан қочирилмайди.



Муаммоларга келсак, шуни айтиш кераки, истасангиз-истамасангиз, бирор иш билан банд бўлган чоғингизда ҳам мактаб раҳбариятининг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришга мажбурсиз. Сон-саноқсиз турли текширувлар ҳам бизсиз ўтмайди. Булар эса хоҳлаймизми йўқми, ўқув даргоҳлари кашшофлар раҳнамоларининг қўл-оёғини «боғлаб» ташлаган...

— Ноҳия комсомол қўмитасида кашшофлар ишлари етарлича баҳоланяптими?

— Бу саволга жавоб бера олармиканман? Негаки, биз юқори ташкилотлар ҳақида ҳанузгача баҳо бериб ўрганмаганмиз. Яна бир томони шундаки, биз комсомол котибасига «яхши» ёки «ёмон» баҳо қўядиган бўлсак, улар биз билан «ҳисоб-китоб» қилишлари ҳам мумкин.

— Сизнингча, қишлоқ мактабидаги кашшофлар комиссарини қандай йўл билан мустақил қилиш мумкин?

— Кашшофлар комиссарларига юқоридан бериладиган буйруқни бас қилиш керак. Ҳозир бизга ноҳия халқ таълими бўлимининг йўриқчиси ҳам, комсомол қўмитасининг котиби, кашшофлар Кенгаши раиси, кашшофлар ва ўқувчилар уйининг директорларигача хўжайинлик қилади. Бунақада кашшофлар ташкилотининг обрўсини кўтариб бўладими?

— Яқинда кўпчиликнинг эътиборига ҳавола қилинган жумҳурият кашшофлар ташкилотининг лойиҳаси ҳақида қандай фикрдасиз? Кашшофлар атрибутлари ҳақида нималар дея оласиз?

— Ўрта мактаблардаги кашшофлар комиссарларининг қоғоздаги режага қараб фаолият кўрсатишига барҳам беришнинг вақти келди. Октябрятларни кашшофлар сафига қабул қилишдаги эски қолипдан воз кечиш керак. Кашшофлар формалар ва атрибутларида миллий руҳ сезилмайди. Нега энди ўзимизнинг миллий асбобимиз сурнай турганда тантанали йиғилишлар пайтида горн чалишимиз керак. Форма ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Ўқувчилар формасида миллий руҳи ўз ифодасини топиши шарт. Оддий кашшоф комиссарининг мутлоқ мустақилликка эришиш борасидаги мулоҳазалари кимларгадир ёқмаслиги ҳам мумкин.

— Матлубахон, тўғри сўз тошни ёради, дейишади. Ҳақ бўлсангиз биз сиз тараф. Ўйлаймизки, жумҳурият кашшофларининг XV слётида комиссар фикрлари ўз аксини топади.

Ҳасанбой РУСТАМ
суҳбатлашди.

СУРАТДА: кашшофлар суҳбати.

Муаллиф суратга олган.

УН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ КЕНГАШИ УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессияси 1990 йил 29 октябрь соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари 28 октябрь куни эрталаб соат 10 дан 19 га қадар Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши раёсатида рўйхатга олинадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши 29 октябрь куни эрта билан соат 9 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг кичик мажлислар залида бўлади.

Эртага—Автомобиль транспорти ходимлари куни



СОФ ФОЙДА ОЛИНМОҚДА

Ғузор ноҳиясидаги 2532-автокорхона жамоаси Қашқадарё вилоятидаги 100 дан ортиқ қурилиш ташкилотлари ва саноат корхоналарига шартнома асосида халқ хўжалиги юкларини етказиб беради ва 27 йўналишда йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатади. Ҳозирги кунда автокорхонада 500 нафардан ортиқ турли миллат вакиллари ва мутахассислар аҳиллик билан меҳнат қилишмоқда.

Мамлакатимиздаги ҳозирги мураккаб вазиятда инсон омилига жиддий эътибор бераётган корхона жамоаси йил бошидан бери хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаб яхши натижаларга эришмоқда.

— Ҳайдовчиларимизнинг келтирган даромадига қараб ҳақ тўлашимиз туфайли белгиланган фойданинг 30 фоизга ошишига ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 920 минг сўмдан кўп транспорт хизмати ва меҳнат унумдорлигининг 29 фоизга ўсишига эришдик, — дейди автокорхона бошлиғи Гелди Омонов. — Белгиланган режага нисбатан 460 минг сўмдан ортиқ соф фойда олинди.

Корхонада меҳнат илғорлари жуда кўп. Исмоил Сатторов, Шавкат Шомуродов, Ҳожимурод Ҳайитов, Аҳмад Лоқаев, Замон Маҳмоёров сингари ҳайдовчилар кунлик режани ошириб бажариб, бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

Корхона ишчиларининг ижтимоий, маданий турмуш даражасини яхшилаш борасида ҳам яхши ишлар қилинмоқда. Меҳнат жамоаси кенгашининг қарорига асосан 200 минг сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Ишчилар ошхонаси яхши жиҳозланиб, овқатлар сифати яхшиланди. Овқатларнинг ярим нархини корхона ўз ҳисобидан тўлай бошлади. Узоқ йиллар меҳнат қилган ишчиларга ҳар ойига қўшимча 30 сўмдан пул берилмоқда.

Корхона аҳли Ўзбекистон Президентининг меҳнаткашларга ер бериш ҳақидаги фармонини бажариш борасида ҳам сезиларли ишларни бажаришяпти. 22 нафар ишчига ер, 12 ходимга якка тартибда ширкат уй қуриш учун ҳужжатлар тайёрланиб 1991 йил қурилиш режасига киритилди. Корхона маблағи ҳисобидан ишчиларга 52 минг сўм узоқ муддатга қарзга берилди. Шу йилнинг охиригача янги маиший хизмат уйи, ҳаммом фойдаланишга топширилади.

Автокорхона меҳнат аҳли халқимизнинг транспорт хизматига бўлган эҳтиёжларини қондириш ва уни яхшилаш учун бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қилишаверади.

Жўра БОБОРАҲМАТ.

СУРАТДА: автокорхона комсомол қўмитаси котиби Рўзимурод Очилов ва ҳайдовчи Фарҳод Бўриевлар.

Суратни муаллиф олган.

Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари

ОНА ТУПРОҚ МЕҲРИ МУҚАДДАС

Улар оилада олти ўғил ва икки қиз эдилар. Ўғилларининг кўпчилиги уйли-жойли бўлишган. Бироқ ҳаммалари бир ҳовлида яшашарди. Ўғиллари туну-кун қўлларига кетмон олиб чимзор ва қамишзорни бузиб ер очишар, деҳқончилик қилиб кун кечиришарди.

Ўттизинчи йилларнинг боши. Жамоа хўжаликлари ташкил қилиш йилларининг авжига чиққан маҳали. Эргашларнинг қишлоғига ҳам бунинг шабадаси етиб келиб, камбағалларнинг баъзилари эндигина жамоа хўжалигига кираётган пайти эди. Лекин қишлоқ фаоллари қанчалик уринишмасин аҳолини ёппасига жамоа хўжалигига жалб этишга эришолмадилар.

Чунки кўпчилик одамлар ҳали жамоа хўжалиги тузуми нималигини тушунмас ва унинг келажагига унчалик ишонмас эдилар. Ана шундай мураккаб ва чалкаш даврда нимаям бўлди-ю, Эргаш отанинг қайноғалари ёлғон туҳмат туфайли қамалиб қолишди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, қайнотаси ўғилларининг қамоқдан ҳали-бери чиқмаслигига кўзи етди-да, ёлғиз қизи-ю, куёви Эргашвойни оиласи билан ўз ҳовлисига кўчириб келди.

Ўша пайтда Эргашвойлар тўрт ака-ука оилалари билан, ота-онаси ва ука-сингиллари бир ҳовлида истиқомат қилишар ва анчагина сиқилиб қолган эдилар. Шу туфайли Эргашвой қайнотасининг таклифини қабул қилди ва оиласи билан уларникига кўчиб келди.

Эргашвойнинг қайнотаси ўзига бироз тўқ оила бўлиб, шунга кўра ҳовлиси ҳам каттароқ, уй-жойлари ҳам етарли эди. Қайнота-қайноналари ҳам асосан деҳқончилик билан шуғулланишарди.

...1931 йил. Маҳаллий халқ ўз хоҳиши билан жамоа хўжалигига киравермагач, юқоридан қишлоқ деҳқонларини ёппасига мажбурий равишда жамоа хўжалигига киритиш, қишлоқларни маҳаллий халқнинг хоҳиш-иродасига қарамай колхозлаштириш тўғрисида буйруқлар кела бошлади.

Юқоридан келган буйруқлардан «илҳомланиб», маҳаллий шўро раҳбарлари фирқа фаоллари билан биргаликда, деҳқонларни жамоа хўжаликларига мажбурлаб кирита бошладилар.

Баъзи бир оилалар уларнинг таъқибидан қўрқиб, хўжалигидаги яккаю-ягона сигир-бузоғини ёки уч-тўртта қўй-эчкисини ҳам топшириб, ўзлари унга аъзо бўлдилар. Ҳатто шундай корчалонлар ҳам пайдо бўлдики, кимки жамоа хўжалигига ўз хоҳиши билан кирса, топширилган молларни 3-4 йилдан сўнг икки баробар қилиб олиши мумкинлиги тўғрисида лоф уриб гапирдилар.

Эргашвой ўша пайтда қишлоқда янги ташкил этилган маҳсулот тайёрлаш идорасида ишларди. Аҳолидан пахта, жун, пилла ва шу каби маҳсулотлар йиғиб давлатга топширишар, бунинг эвазига давлатдан ноёб моллар олишиб, халққа тарқатишарди. Қайноғалари қамалгач, уни ҳам ишдан ҳайдашди. Бунга сабаб, аллақандай бошлиққа «духоба олиб киргансан» деб туриб олишди. Эргашвой жамоа хўжалигига кирмади, қайнотасининг ерида деҳқончилик билан шуғулланди.

Юқоридан янги-янги буйруқлар кела бошлади. Қишлоқларни юз фоиз колхозлаштириш мажбурий тусга кирди. Жамоа хўжалигига кирмаганларни олис ўлкаларга, яшаш қийин бўлган ерларга мажбурий ишга бадарға қилиш тўғрисида буйруқ ҳам келди. Эргашвойнинг ҳам оиласи қишлоқ шўросининг «қора рўйхати»га тушиб қолди.

Ёз фаслининг охирги ойи эди. Ярим тун. Қишлоқда нотинчлик. Одамларнинг тинчлигини итларнинг вовиллашию, кимларнингдир шовқин-сурони бузарди.

Эргашларнинг эшигини ҳам шу кеча кимдир қаттиқ тақиллатди. Эргаш чўчиб уйғонди-да, ҳовлига чиқиб кўча эшигини очди. Қишлоқ шўроси ва фирқа фаоллари билан яна икки нафар қуролланган ҳарбий киши турарди. «Эргашвой сиз бўласизми» деб сўради нотаниш киши. «Ҳа, мен» деди у. «Колхоз тузумига қарши чиққанингиз учун сиз оилангиз билан мажбурий ишга — Украинага бадарға қилинасиз» дейишди. Унинг баданини совуқ тер босди, кўз олди қоронғулашиб кетди. «Бунинг қайноғалари ҳам қамалиб кетган» деди келганлардан бири. Ичкарига бостириб киришди.

Нотаниш киши унга юзланиб:

«— Сизга икки соат муҳлат, оилангиз, болаларингиз, бир сидра кийим-бош ва енгил кўчларингиз билан кўчада турган аравага чиқасиз. Мол-мулкингиз, ҳовли-жойингиз давлат фойдасига мусодара қилинади», — деди. Қий-чув, йиғи-сиғи кўтарилди. Қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар йиғилишди. Ҳамманинг юзида қўрқув, ваҳима, уйда тинтув ўтказилди. Янги намат, шолча, кўрпа-кўрпачалар, сандиқдаги яхши ният билан йиғилган моллар, сигир-бузоқ, уч-тўртта қўй-қўзилар хатга тушди. Ҳатто Эргашвойнинг кийиб юрган пўстинини ҳам тортиб олишди. Уларга уч-тўртта эски кўрпа-тўшак, қозон, товоқ, эски кийим-бош ва рўзғор буюмларинигина олишга рухсат берилди.

Унинг хотини 5-6 ойлик чақалоғини бағрига босиб, кўз ёши билан учта ёш болаларини эргаштириб аравага чиқди.

Шўро ва фирқа фаоллари деб аталмиш туҳматчилар шу кеча яна бир неча хонадонни зор қақшатдилар. Уларнинг кўпчилиги камбағал деҳқонлар эди. Ҳаммаларининг айблари жамоа хўжалигига кирмагани, яъни ўша даврдаги раҳбарларнинг таъбирича, янги тузумга «қарши» чиққанлари эди.

Уларни аввал ноҳия марказига, сўнгра эса шаҳар вокзалига олиб кетишди. Эртаси куни қизил вагонлардан махсус эшелон ташкил қилиниб, юзлаб оилаларни вагонларга босишди. Уларнинг кўпчилиги болалар, аёллар ва кексалар эди.

Шундай қилиб, Эргашвой оиласи ва тўрт нафар ёш болалари билан ўн йил муддатга Украина ССРнинг Херсон вилоятига мажбурий ишга бадарға қилинди. Ўша пайтда шу қишлоқдан элликдан ортиқ оила ҳам Украинага бадарға этилган эди. Ҳаммасининг пешонасига «қулоқ» тамғаси босилган эди. Демак ҳаммаси бой-бадавлат оилалар деган тушунча туғилади кишида.

Бундан 20—25 йиллар муқаддам мен Эргаш оталар қишлоғидаги бир қариядан «нима учун ўша пайтда бир қишлоқдан элликдан ортиқ оилани «қулоқ» қилишган, қишлоқда шунча «бой бўлганми» деб сўраганимда, улар «Э, қаёқда дейсан, бизнинг қишлоқда битта ҳам бой бўлмаган. 5-6 та ўзига тўқ катта деҳқонлар бор бўлиб, уларни «қулоқ» қилишмаган, балки камбағалларни «қулоқ» қилишган, колхозга кирмагани учун» деган эди.

Бадарға қилинганларнинг ўлимга маҳкум қилинганлардан фарқи шу эдики, уларни бола-чақалари билан очликка, қаҳатчиликка яъни моддий ва маънавий қийинчиликларга маҳкум этиб, шу усул билан уларни қириб юбориш эди.

Улар бир ой йўл юриб, йўл азобини эмас, гўр азобини тортишиб, битлаб, очликдан шишиб, Херсон шаҳри яқинидаги Голая пристань шаҳарчасига етиб келишди. Сўнг уларни шу вилоятнинг Скадовск ноҳиясидаги чўл зонасига жойлаштиришди. Уйлар асосан 2-3 хонадан иборат лой-қолиқлардан қурилган бўлиб, томлари похол билан ёпилган, заҳ ерларда эди.

Кўчирилганларнинг уйларида ўзлари билан олиб борган уч тўртта эски кўрпа-тўшакдан бўлак ҳеч вақоси бўлмаган.

Кўчиб борганлар у ёқда пахта экиб, деҳқончилик қила бошладилар. 1933-34 йилларда юз берган қурғоқчилик туфайли очарчилик ва қаҳатчилик бошланиб, кўчиб борган оилаларнинг кўпчилиги қирилиб кетди.

Эргашнинг оиласида ҳам оғир кунлар бошланди. Оилада беш бола, бир ўзи ишлайди. Маошининг тайини йўқ. Бироқ тушкунликка тушмади. Бир куни кўчирилганлар устидан назорат қилиш бўйича комендант Эргаш акага «Кўриб турибсан, вазият жуда оғир, ҳамма ерда очарчилик, болаларинг кўп экан, бир ўзинг ишлаяпсан. Қийналиб қоласан. Кел, мен сени бир киши билан таништириб қўяй, жуда яхши одам, сенга албатта ёрдам беради», — деди.

Уч-тўрт кун ўтгач, комендант Эргашни давлат хўжалиги ишчи ширкати бошлиғи Кувалдин деган киши билан таништириб қўйди. Кувалдин Эргаш акани шамол тегирмонига ишга жойлаштирди. Ҳар ҳолда оилага бир-икки сиқим дон-дун келтириб, ҳарна рўзғор тебратиб турганга не етсин? Кейинчалик уни новвойхонага ишга ўтказишди. Қаҳатчилик ва очарчилик чекиниб, тўкинчилик даври бошланди. Лекин оилада бирин-кетин бахтсизликлар юз бера бошлади. Аввал икки ёшли қизчаси, сўнгра хотини ҳаётдан кўз юмди. Мусибатлар Эргаш акани анча эзиб қўйди.

Уруш бошлангач Ўрта Осиё жумҳуриятларидан Украинага кўчирилганларнинг ишлаш муддати тугади, шекилли, юқоридан келган буйруққа асосан ҳаммасини ўз юртларига жўнатадиган бўлишди.

Юзлаб от-аравалар ташкил қилиниб, уларни енгил кўч-кўронлари билан Қримнинг Армянское станциясига кўчириб келишди. У ерда махсус поезд ташкил этилиб, ўз юртларига жўнатишмоқчи бўлишди. Икки кун ўтди, бироқ поезд ташкил этилмади. Бунинг устига юқоридан янги буйруқ келди. Буйруқда «ғарбий фронтда вазият оғирлиги туфайли кўчириш тўхтатилсин ва урушга яроқли ҳамма эркаклар фронтга сафарбар этилсин!» дейилган эди. Икки ҳафта ўтгач, катта ёшдаги эркакларни ҳам ишчи-батальонларига сафарбар қилишди. Эргаш ака ҳам ўзининг тенгдошлари қатори фронтга жўнади.

1943 йил фашистларнинг Сталинград жангидаги мағлубиятидан сўнг Эргаш ака ўз тенгқурлари билан Қарағанда кўмир конига юборилди. У ерда бир йилча ишлаб, соғлиғи ёмонлашгач, ўз қишлоғига қайтди. 1950 йил болалари билан ўз она қишлоғига кўчиб келди. Эргаш акага туҳмат қилиб, уни сургун қилганларнинг бир қисми оддий деҳқонларга ҳам туҳмат қилгани учун қамалиб кетган, эди.

Бир куни қишлоқ чойхонасида Эргаш отанинг тенгқурларидан бири деди:

— Бу дейман Эргашвой бошинг тошдан экан, сенга туҳмат қилганларнинг ярми ўлиб кетди, ярми қамалиб кетди. Сен бўлсанг қанча-дан-қанча азоб-уқубатларни бошингдан кечириб бўлсаям, омон-эсон Ўзбекистонга қайтиб келдинг...

Орадан йиллар ўтди. Эргаш аканинг кўнгли барибир тинчимади. Чунки у билан бирга Украина чўлларида болалиги хазон бўлган дўстлари, кимларнидир мудҳиш хатолари туфайли ўз она тупроғидан айрилган юртдошлари Ўзбекистонга талпиниб яшардилар. Улар орасида Ўзбекистонга қайтиш насиб этмаганлари қанча эди. Қанчаси ўзга элни, ўзга тупроқни Ватан деб билишга мажбур бўлди. Қисмат барибир Эргаш отага кулиб боқди. У 75 йил яшади. Уни 1967 йилда ўз юртида, қариндош-уруғлари сўнгги йўлга кузатдилар. Фарзандлари, невара-чеваралари ҳар доим ота қабрини зиёрат қилиб, ўз бурчларини адо этишади.

Йиллар ўтаверар экан. Мозийда бўлган ҳар бир хато учун эса энди тирикларни эмас, балки марҳумларнигина айблашдан нарига ўтолмайдилар. Вақт шундай тез ўтгувчи ва шафқатсизки, ким оқ, ким қора эканлигини энди-эндигина англаб етаяпмиз, холос. Кеч. На илож? Тарихни барибир энди тузатиб бўлмайди. Эргаш отага ўхшаб ўз туғилган гўшасидан бадном бўлиб, умрининг охиригача шу тупроқ меҳрига тўёлмай кетганлар беҳисоб. Уларни излаб топишимиз, эл-улус бу «айбсиз-айбдор»лар ҳақида кеч бўлсада, бор ҳақиқатни билиши керак...

Собир МУМИНОВ.

ЎЗИМИЗ ҲИМОЯГА МУҲТОЖМИЗ

Жумҳурият Олий Кенгашининг учинчи сессияси кун тартибига «Ўзбекистон ССЖ милицияси шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги масала ҳам киритилган. Биз бу ҳақда Ўзбекистон ССЖ ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Қ. Б. Боймуродов билан суҳбатлашдик.

— Қурбон Боймуродович, жумҳурият Олий Кенгаши сессияси муҳокамасига айнан юқоридаги масаланинг киритилишини қандай изоҳлайсиз?

— Кўтарилаётган муаммонинг ўта пишиб етилганлигини, унинг ечимини сира ҳам пайсалга солиб бўлмаслигини ҳис қилиш қийин эмас. Фикримга эътироз билдирмоқчи бўлган кишиларга биз билан биргаликда милиция кийимида бир кунгина навбатчиликни ўташни таклиф этардим. Улар милиция ходимининг хизмат «лаззатлари»дан тўла-тўкис баҳраманд бўлишларига шак-шубҳам йўқ. Бирон-бир кун йўқки, эл осойишталигини таъминлаш учун кўчага чиққан ходимларимизнинг асабини бузишмаган бўлсин. Ҳайриятки, кўпчилик милиция ходимлари қалтис вазиятларда бурч тақозоси туфайли эҳтиросларга берилмаётирлар, ақл-идрок билан иш кўрмоқдалар. Лекин милиция ходими номаълум коинотдан келиб қолган сирли одам эмас, улар ҳам халқнинг ажралмас бир бўлаги. Сабр-тоқат, чидам ва босиқликнинг ҳам маълум чегараси бор.

Жумҳурият Олий Кенгашида бу масала кўтарилганлиги пичоқ суякка бориб қадалганидан, аждаҳо коми каби тобора каттароқ очилаётган жиноятчилик зулмидан одамларни халос этиш учун кескин чоралар кўриш кераклиги тушуниб етилганидан, деб биламан. Фақат бу мулоҳазалар ўз идораси манфаатидан нарини кўролмайдиган шахс томонидан айтиляпти, дейилишини хоҳламасдим. Бугун Ички ишлар вазирлигидаги масъул лавозимга исталган муҳаррир ёки халқ депутатини қўйиб кўринг, у ўзига оқиб келаётган даҳшатли хабарлардан ва воқеалар ривожидан шундай хулоса чиқаришга заррача шубҳаланмайман.

Жамият кемасини писта пўчоғидек ўйнатмоқчи бўлган жиноятчилик тўфони билан курашга отланган милиция ходимининг ўзи ҳуқуқий муҳофазаланган бўлиши керак. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозир ички ишлар идораларидан ўз хоҳиши билан бўшаб кетаётган ҳар уч кишидан бири милиция кийимини ҳуқуқий муҳофаза йўқлиги, милиционерлик касбининг обрўйи пастлиги учун ечиб ташламоқда.

— Наҳотки, не-не билимдон кишилар томонидан битилган қонунчилик асослари милиция ходимини дурустроқ ҳимоя қилолмаса?

— Жамиятдаги бугунги вазият бундан 20-30 йил аввалгисидан кескин фарқланади. Илгари ҳуқуқ-тартибот ходимига таҳдид қилиш ҳоллари бармоқ билан санарли даражада эди. Ҳозирги жиноий унсурлар қўлида ўқ отар қуролларнинг мавжудлиги тартиб посбонлари юмушини қийинлаштирмоқда. Кейинги йиллар ичидаги жиноятчилар билан олишувда 44 нафар ходимимиз ҳалок бўлди, 250 нафари яраланди. Вазирлигимиз биносидаги ўзбек шўро милицияси музейига ҳалок бўлган ходимлар сурати қўйилган. Сенга вазмин нигоҳларини қадаб турган ҳамкасбларингга боқиб оғир ўйларга ботасан. Ахир, уларнинг ҳам орзулари, ўзига яраша қувонч-ташвишлари бор эди. Ота дийдорига тўймаган қанча норасидалар чирқиллаб қолди?! Уларнинг кўпчилиги жамият, одамлар осойишталиги йўлида қонун заифлиги туфайли ҳалок бўлган, деб ҳисоблайман.

— Яширмайлик, очиғи, неча ўн йиллар ному бор-у, ўзи йўқ ҳуқуқий давлатда юрак ҳовучлаб яшадик. Қайта қуриш шарофати билан шу кунларда ягона ҳақиқат — адолат ва қонунга суянадиган жамият шаклланаётганига умидвор бўлиб турибмиз. Шундай бир пайтда, Ўзбекистон милицияси ходимлари ҳуқуқини ошириш шахснинг фуқаролик ҳуқуқини камситишга олиб келмайдими?

— Қонун лойиҳаси милиция ҳуқуқларини кенгайтирмайди, балким унинг ходимлари саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солаётган шахснинг жавобгарлигини кучайтиради. Лекин яқин орада милицияга қўшимча ҳуқуқлар берилиши зарур. Чунки бугунги жиноятчилик билан курашда қуруқ гап сариқ чақага ҳам арзимайди. Кескин ва самарали ҳаракатгина жиноятчилар танобини тортиши мумкин.

— Бошқа мамлакатлардаги ҳамкасбларингизнинг ҳуқуқий муҳофазаси ҳақида нималар дея оласиз?

— Мен Оврупо ва Америқо полицияларининг хизмат муҳитига ҳам ҳавас, ҳам ҳасад қиламан. Муҳими шундаки, полициянинг кучли ҳуқуқий муҳофазада эканлиги фуқаролар ҳуқуқига зарар етказмайди, аксинча уни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш имконини беради. Масалан, АҚШда полициячи бирон кишининг жиноий хатти-ҳаракатни амалга ошириш ниятини сезган заҳоти қурол ёки махсус воситаларни қўллаши мумкин. Полициячининг мана шундай ҳуқуққа эга эканлигини яхши билган жиноятчи ўзини ортиқча ҳаракатдан тийиб туради.

— Бизда-чи?

— Бизда қуролни қўлланма бўйича ишлатмоқчи бўлган милиционерга жиноятчи тўрт марта пичоқ уришга улгуради, ўқ отар қурол ҳақида гапирмаса ҳам бўлаверади. Шуниси ачинарлики, ҳатто ҳалок булган ходимларимиз қадр-қимматини ҳам ўз ўрнига қўёлмаяпмиз. Чунончи, АҚШда ҳалок бўлган полициячи оиласига бирданига 200 минг долларлик нафақа берилади, бизда эса 20 минг сўм ажратиш таклифи лойиҳа доирасидан нарига ўтолмаяпти.

— Қурбон Боймуродович, жумҳурият Олий Кенгаши ўзбек милициясининг сиз таърифлаган оғир ҳолатига томошабин бўлиб турмаса керак, албатта. Лекин тегишли қарор қабул қилингандан сўнг милиция ходимлари ўртасида ҳалок бўлиш, яраланишлар кескин камайишига ишонч борми?

— Шундай бўлишига ишончим комил. Келинг, яна ғарб тажрибасига назар ташлайлик. 50 миллион аҳолига эга Буюк Британияда 20 йил ичида 50 га яқин полициячи ҳалок бўлган, 20 миллион киши яшайдиган бизнинг жумҳуриятимизда эса йилига ўртача 15-20 нафар ходимдан жудо бўлмоқдамиз. Шу билан бирга қонун муҳофазасида турган суд ва прокуратура идораларининг ўрни бунда катта эканлигини таъкидлаб ўтиш керак. Агар қабул қилинган яхши қонунларимиз назорат қилинмаса, вазиятнинг яхшиланиши осон кечмайди.

— Қонун жамият ва унинг фуқароларига хизмат қилиши шарт. Шундай экан, Олий Кенгаш қароридан сўнг кучайиб кетган жиноятчиликдан безиллаб қолган халқ енгил нафас олишига умид қилса бўладими?

— Келинг яхшиси, олдиндан башорат қилишга шошилмайлик. Лекин ўзи мустаҳкам ҳимояни сезиб турган милиция бошқаларни ҳимоя қилишга дадил отланиши турган гап. Бу эса жиноятчилик билан кураш самарасига таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Ғайрат БОЛТАБОЕВ суҳбатлашди.

ХУШХАБАРЛАР

● САМАРҚАНДДА Совет-Хитой қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида шартнома имзоланди. «Сўғд» номи берилган мана шу корхона болалар ўйинчоқлари чиқаради. Жумҳурият Маҳаллий саноат вазирлигининг Самарқанддаги пластмасса буюмлари заводи янги қўшма корхона учун асос бўлди. Дастлабки пайтда корхона жамоаси механик ўйинчоқлар, яқин истиқболда эса электрон ўйинчоқлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Хитой томони бутловчи деталларни етказиб беради.

● ЧЕРНОБИЛЬ АЭСидаги аварияни тугатишда иштирок этган янгиободлик барча аҳоли навбатдан ташқари квартира олиш ҳуқуқига эга. Маҳаллий шаҳар кенгаши шундай қарор чиқарди. Бундан ташқари бир қанча саноат корхоналарига квартира ва коттежларни ўз ходимларига хусусий мулк қилиб ўтказиш ҳуқуқи берилди. Бунда фақат бир шарти бор — уй эгалари Янгиободда камида 30 йил яшашлари керак.

(ЎзТАГ).

Иттифоқ бўйлаб



Венгриядан чақириб олинган совет қўшинларининг дастлабки қисмлари Белоруссия тупроғига етиб келишди. Зобит ва прапоршчикларнинг юзга яқин оиласи «янги хонадон»ларга жойлашдилар. Тўғри, ҳақиқийсига эга бўлиш учун кутиш керак. Ҳарбий хизматчиларнинг хотинлари ётоқхоналарда аскар кароватларида ухлашмоқда. Ёғоч жиҳозлар тўғрисида ҳали гапиришга эрта.


СУРАТДА: прапоршчик Анатолий Ничка «Жанговар топшириқ»ни шундай бажармоқда.

Л. ТОЛОЧКО (СИТА) сурати.

* * *

Ҳафта ичида Москвада 374 жиноий иш содир қилинганлиги аниқланди. 8 та қотиллик, 13 та оғир тан жароҳати, 7 та номусга тегиш...

Кейинги пайтда содир бўлаётган ҳуқуқбузарлик ҳоллари тамаки маҳсулотларининг камчиллигига ҳам боғлиқдир. Тамаки камчиллиги «кичик бизнес» эгаларига кўплаб даромад келтирмоқда. Вокзал майдонларида, метродан чиқиш йўлкаларида улардан 3 сўмга бир қути сигарет сотиб олишингиз мумкин. Тамаки маҳсулотлари олибсотарларининг катта бир гуруҳи қўлга туширилди. «Сўнгги пушаймон, ўзингга душман» деб шунга айтадиларда. Уғирлик қилиб, мана юзини беркитиб ўтирибди.



А. ШОГИН (СИТА) сурати.

«РАҲБАРЛАРГА ИНСОФ ТИЛАЙМАН»

САМАРҚАНДДА БАЙНАЛМИЛАЛЧИ-ЖАНГЧИЛАР ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ III КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Бекатда турган эдим. Ёнгинамга маршрутли такси келиб тўхтади. Беихтиёр унинг ёнбошига ёзилган сўзларга кўзим тушди. «Байналмилалчи-жангчи Рустам Эшмуродов номидаги экипаж». Юрагим қалқиб кетди. Рустам Эшмуродов номи гўё чаплашиб кетди. Унинг ўрнида афғонда ҳалок бўлган бошқа йигитларнинг исм-фамилиялари бирма-бир кўрингандай бўлди. Бу азоб эди. Йўловчилар эса... йўловчилар шоша-пиша таксига ўтиришга ҳаракат қилишарди. Шунда ноғоҳон ҳайдовчига разм солдим. У нимагадир йўловчиларга ўйчан термулиб турарди. Бошқа ҳайдовчилар каби «Тезроқ бўлинглар» ё «Чаққонроқ қимирланглар» демас эди. Бунинг сабаби бор экан. У ҳам «юраги яраланган афғон»лардан экан.

Шунда нимагадир Талъат Муродовни эсладим. Байналмилалчи-жангчилар учун қайғуриб юрадиган бу йигитни яхши танир эдим. У истеъфодаги байналмилалчи-жангчилар вилоят Кенгашининг раиси эди. Кейин билсам мен кўрган бекатдаги воқеанинг сабабчилари ҳам ўшалар экан. Самарқанднинг сўлим, мунгли кўчаларида афғонда шаҳид бўлган уч йигит номидаги таксилар ҳар куни «фарёд» чеккан мисол кезиб юрар экан. Улар гўё ҳалок бўлишгандан кейин ҳам одамларга яхшилик қилишаркан — манзилларига тезроқ етишига ёрдам беришар экан...

Йўловчилар, агар сизлар Самарқандга келиб подполковник А. Қудратов, капитан А. Гасков ва сержант Р. Эшмуродовлар номи билан аталувчи маршрутли таксиларга ўтириб қолсангиз, уларнинг пок руҳларига фотиҳа қилишни унутманг.

Истеъфодаги байналмилалчи-жангчилар вилоят Кенгаши 1986 йилда ташкил этилган. Унинг биринчи слётида қатнашган эдим. Лекин бу рўзнома юзини кўрмаган эди. Ўша пайтлари ҳозиргидек «афғон»ларнинг бошидан кечирганлари очиқчасига айтилмас эди. Самарқанддаги зобитлар уйида 500 га яқин йигитлар жам бўлишиб, уларнинг Кенгашларига асос солишган эди. 15 йигит Кенгаш аъзолигига сайланиб, тирик қайтганларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, ҳалок бўлганларнинг ота-оналари кўнглига таскин бўлишга келишиб олган эдилар.

Лекин айрим қалби тош қотган раҳбарларнинг уларни тушунмаганликлари туфайли, Кенгаш аъзоларидан 5—6 нафаригина қолди. Уруш кўрган қалблар сансалорликни кўтара олмай, чиқиб кетдилар.

Бу ҳақда Талъат Муродов очиқчасига гапириб берди. Ва Кенгаш аъзолари ўтган вақт ичида қандай ишларни амалга оширишганини ҳам...

1986 йилда Кенгаш аъзолари учун вилоят коммунал хўжалигининг ташландиқ ертўласи ажратиб берилган. Бу ер Кенгаш аъзоларининг кучи билан таъмирланган. 1987 йилда эса Боғишамол ноҳия комсомол қўмитаси қошида байналмилалчи-жангчиларнинг музейи ташкил этилди. Бу ноҳияда ҳалок бўлганларга ёдгорлик ўрнатиш учун маблағ йиғиш ишлари жуда яхши йўлга қўйилган. Шу кунгача 40 минг сўм йиғилди. Бу маблағнинг 33 мингги ички ишлар ходимларининг саховатидир.

1988 йилда Сиёб ноҳия комсомол қўмитаси Кенгаш аъзолари билан биргаликда эски масжидлардан бирини таъмирлаб, А. Қудратов номидаги клуб-музей ташкил этишди. Кенгаш аъзолари ўз фаолиятларини шаҳардан ноҳияларга, қишлоқларга кўчиришди. Ноҳияларда байналмилалчи-жангчилар кенгашлари тузила бошланди.

1988 йилнинг февралида Кенгаш аъзолари ўзларининг II слётини ўтказишди. Слёт қатнашчилари хўжалик ҳисобидаги «афғонлар» ҳарбий-ватанпарварлик уюшмаси тузиш талабини қўйдилар. Чунки қуруқ гап билан ёрдам бериб бўлмаслигини йиллар тасдиқлаган эди. Шунинг учун «Ватан қалқонлари» байналмилалчи-жангчилар Кенгашининг Устави ва Низоми ишлаб чиқилди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 1989 йил 31 январдаги қарори билан бу ҳужжатлар тасдиқланди. Бу қарордан кейин ишлар юришиб кетди. Жойларда афғонда ҳалок бўлганларнинг хотирасига бағишлаб спорт мусобақалари ўтказилди. Лекин бу спорт мусобақалари қатнашчилари эгниларига топганларини кияр эдилар. Чунки махсус кийим йўқ эди. Улар бир неча бор вилоят ижроқўмига ва молия бўлимига спорт кийимлари ва жиҳозлари учун маблағ ажратишни сўраб, мурожаат қилишган. Лекин бу мурожаат инобатга олинмаган.

— Бир нарсага тушуниш қийин, — дейди Талъат Муродов. — Жойларда байналмилалчи-жангчилар клуби ва Кенгашларига маблағдан кўмак беришмайди. Сабаби, ноҳия бюджети кам эмиш. Қачонки, болалар хўжалик ҳисобидаги бирор ташкилот тузиб уларга мурожаат қилишса, суғурта тўлашни талаб қилишади. Ўзбекистон Вазирлар Кенгашининг 1990 йил 5 январдаги қарорига асосан «Ассоциация ва унинг жойлардаги бўлимлари, ташкилотлар суғурта тўлашдан 3 йилгача озод қилинадилар» деб айтилган. Бу қарорга бизнинг ноҳия ижроқўмларида амал қилинмайди.

Самарқандликлар мақсадсиз урушда 163 нафар лочиндек йигитларидан айрилганлар. Улар сафига яна 6 нафари қўшилди, у ёқдан қайтгандан кейин вафот этишди...

Ўша куни залда Рустам Эшмуродовнинг онаси ва бувиси кўз ёш тўкиб ўтиришди. Улар қачонки байналмилалчи жангчилар бирор йиғилиш қилишса етиб келишади. Бу ерга келган йигитларни кўриб, Рустамгинасини кўргандай бўлишади. Қўлларида қизил чиннигуллар. Рустамгинаси йигит умрида — гулга айланиб кетган эди.

Байналмилалчи-жангчилар вилоят Кенгаши хайрли ишларни бошлашган. Улардан бири — гуруҳ ногиронларига кўмаклашиш. Иккинчи гуруҳ ногирони Маҳмуд Нуруллаев ўзининг никоҳ оқшоми унутилмас бўлиб қолганини айтар. Ўша куни келин-куёвга вилоят касаба уюшмаси томонидан «Измайлово» сайёҳлар комплексига йўлланма совға қилинди.

Иккинчи гуруҳ ногирони Юрий Шрамко «Қизил юлдуз» ордени нишондори. Унинг тўйига мебель фабрикаси ва холодильник заводи ҳомийлик қилишди.

Вилоятда ногиронлар спорт командаси фаолият кўрсатмоқда. Унинг ташкилотчиларидан бири ҳам вилоят кенгашидагилар. Бу спорт командаси яқинда Америка Қўшма Штатларида бўлиб ўтган футбол мусобақасида жаҳон чемпиони бўлишди.

Ҳалок бўлганларнинг хотираси учун спорт мусобақалари ўтказиш вилоятда анъанага айланиб бормоқда. Самарқанд ноҳиясида Бахтиёр Ваҳобов хотирасига бағишланган самбо мусобақаси армия ёшигача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилди. Бундай мусобақаларга ноҳияда ташкил этилган «Сиёвуш» клуби аъзолари раҳбарлик қилмоқда.

Боғишамол ва Темирйўл ноҳия комсомол қўмитасидагилар яна бир кўнгилга таскинлик бахш этувчи ишни бошладилар. Ўғиллари афғонда ҳалок бўлганларнинг оталари яшайдиган дарвоза ёнига «Бу уйда афғонда ҳалок бўлган жангчининг ота-онаси яшайди» сўзлари ёзилган лавҳа тахтачаси илиб қўйишган.

Бундай олиб қараганда, тирикликнинг ўзи бир ҳикматдир. Ўша ёқдан тирик қайтганликнинг ўзи умрингга татигулик бахтдир. Лекин тирикликка ҳамма нарса керак. Ахир сен инсонсан. Кўнглинг нозик. Бу кўнгил бир дарз кетмасин. Конференцияда қатнашганлар кўпроқ жойлардаги ноҳия раҳбарларидан нолиб гапиришди. «Мен сизларни Афғонистонга юбормаганман-ку» дегувчи раҳбарлар борлигини изтироб билан тилга олишди. Ундай фикрловчи раҳбарлар ким ўзи?

Сўзга чиққан делегатлар бир сўзни кўп бор такрорлашди. «Раҳбарларга инсоф тилаймиз!» деб.

Конференция делегатлари бир қанча таклифларни айтишди.

— Ҳалок бўлган жангчилар учун Хотира куни эълон қилинса.

— Ноҳияларда ташкил этилган кенгаш раисларига имтиёзлар берилса...

СЎНГГИ СЎЗ: Заҳирадаги «байналмилалчи-жангчилар вилоят Кенгашининг фаолияти ҳақида бир тасаввурга келиш мумкин. Лекин уларнинг фаолияти чекланиб қолган. Яъни ўз фаолиятларини асосан шаҳар ва шаҳарга яқин ноҳиялардагина олиб боришган. Узоқ ноҳияларда бу борада қандай ишлар олиб борилаётганини, ўзларининг кўмаклари кераклигини билишмайди. Чунки Кенгаш аъзолари ноҳияларга кам чиққан, баъзиларида умуман бўлмаган.

Конференцияда Қўшработ ноҳиясидан қатнашган бир йигит:

— Мени тирик қолганим учун кечир... — деган сўзни айтди ҳалок бўлганларнинг руҳига.

Биз ҳаммамизни ўша йигит каби ҳалок бўлганларнинг руҳи олдида ўзимизни қарздор сеза олсак эди...

Гули ЧЕҲРА,
«Ёш ленинчи» мухбири.

Хорижда хабарлар

Сиёсий қиёфалар

«СУВГА ЧЎКМАС» ШАМИР

ИЦХАК ШАМИР — Исроил сиёсий уфқидаги ёқимсиз шахслардан бири. Унга ҳам сўлдан, ҳам ўнгдан ҳужум қилишади. Бироқ сиёсий курашларда катта тажриба орттирган 75 ёшли бош вазир «зарбаларни мардона қайтараётир». Шамир сиёсий таржимаи ҳоли саҳифалари, бу — Исроил тарихининг босқичлари ҳамдир.

Иккинчи жаҳон уруши чоғида Фаластинда «Лехи» террорчи тўдаси ўзига панох топди. Унга Абрахам Штерн бошчилик қиларди. Тўдани «Штерн гуруҳи» деб аташарди. Келиб чиқиши польшалик бўлган Ицхак Язерницкий ушбу ташкилотнинг фаол қатнашчиларидан эди. У яхудийлар руҳонийси жандасини кийса-да ва ўзини «раввин Ицхак Шамио» деб атасада, унинг фаолиятини худога хизмат қилиш, деб баҳолаб бўлмасди. 1942 йилнинг февралида жангариларнинг муваффақиятсиз операцияларидан бирида Штерн Англия полицияси томонидан ўлдирилгач, тўдага ҳозирги бош вазир раҳбар бўлиб қолди. Ҳокимликни яхши кўрган Шамир муҳолифларга тоқат қилолмасди. «Штерн гуруҳи» ҳисобида «Исроил озодлиги йўлида» содир этилган кўплаб жиноятлар бор. 1948 йил сентябрда Қуддусда БМТнинг Яқин Шарқдаги вакили граф Бернадотт ва унинг ёрдамчиси полковник Андре Серо жиноятчилар қўлида ҳалок бўлдилар.

Фаластин арабларига қарши оммавий террорни авж олдиришда ҳам Шамир ўйнаган роль кичкина эмас. Бир неча йил муқаддам француз рўзномаси «Юманите» араб қишлоғи Дувайманинг собиқ ҳокими берган гувоҳликка асосланиб, 1948 йили Исроил аскарлари Шамир раҳбарлигида мутлақо айбсиз одамлар— кексалар, аёллар, болаларни қирғин қилганлигини ёзган эди.

«Лехи» раҳбарларининг нацистлар Германияси билан алоқа ўрнатишга қилган уриниши шармандали факт сифатида тарихчиларга яхши маълум. Юз минглаб яҳудийлар Оврупода нацистлар қўлида қирғинбарот қилинаётган бир пайтда, Штерн ва унинг маслакдошлари сионист қуролли кучларини фашистлар томонида туриб, Шимолий Африкада инглизларга қарши жангга сафарбар этмоқни режалаштираётган эдилар. Бунинг эвазига Германия яҳудийларнинг Фаластинга бориб жойлашишига ҳалал бермаслиги, у ерда, «Джерузалем пост» ёзмоқчи, «миллий ва тоталитар асосда яҳудийлар давлати»ни тузишга кўмаклашиши лозим эди. 1986 йил 18 июлда «Едиот ахронат» рўзномаси билан мусоҳабада профессор Ешаяху Лейбович шундай баёнот берди: «Биз Гитлерга ўз хизматини таклиф этган ташкилотга раҳбарлик қилган одамни бош вазир қилиб сайламоқдамиз». Шамир мазкур ифлос келишувда ўз ҳиссаси борлигини бошдан-оёқ инкор этади, албатта. У Фаластинда ўтказилган «жанговар операцияларгагина» бошчилик қилганига, нацистлар билан ҳеч қандай муносабатда бўлмаганлигига ишонтирмоқчи бўлади.

1948 йил майда Исроил давлати тузилгандан кейин Шамир бир мунча муддат ўзини панага олади ва тижорат ишлари билан шуғулланади. Аммо уни унутишмаганди, кимларгадир унинг «жанговар тажриба»си ва таниш-билишлари сероблиги асқотиб қолди. 1955 йили Ицхак Шамир Исроилнинг «Массад» разведкаси ходими сифатида иш кўра бошлади. Бу ерда ҳам унга омад кулиб боқди: у тез орада Оврупо бўлими бошлиғи, сўнгра эса разведка бошлиғининг муовини лавозимини эгаллади. Бироқ унинг фикри-зикри катта сиёсат эди. 1965 йили у истеъфога чиқди ва сиёсат гирдобига боши билан шўнғиб кетди. У ўз тақдирини халқаро ташкилот мандати билан идора қилинган Фаластинда ҳаракат қилган экстремистик ташкилот меросхўри бўлмиш «Херут» ашаддий миллий партияси билан маҳкам боғлади.

1977 йили Исроил меҳнат партиясининг изчил бўлмаган ташқи ва ички сиёсатидан сайловчилар ҳафсаласининг пир бўлиши, буюк миллатчилик ва босқинчилик, диний фанатизмнинг тез ўсиб бориши, экстремистик таъсирнинг кучайиши «Херут» билан бирлашган «Ликуд» блокини бошқа реакцион партиялар билан бир қаторда ҳокимият тепасига келтирди. Ваҳоланки, ўн йил илгари ўнг кучлар мамлакатни бошқаришда амалда қатнашмас эдилар. 40-йилларда Фаластинда амалга оширилган терроризм негизида Шамирдан кам бўлмаган «шуҳрат тожи»га эришган Менахем Бегин бош вазир қилиб тайинланди. Шамир эса, ўз юлдузини кута бошлади. Бу соат 80-йилларнинг бошларида, Исроилда кенг миқёсда ички сиёсий инқироз қалқиб чиққач келди. Беш етакчи вазир, шу жумладан М. Даян ва Э. Вейцман сингари таниқли шахслар ҳокимият курсиларини тарк этишга мажбур бўлдилар. Даян ўрнига ташқи ишлар вазири қилиб Шамир тайинланди. Ва бу қонуний эди. Бегин уни нафақат Фаластинда амалга оширилган терроризм бўйича ўз тарафдори сифатида, балки «босқичма босқич ишғол этиш» деб аталган, яъни араб ерларини исроилликлар учун қўноқлар қуриш йўли билан босиб олиш программасининг қатъи тарафдори сифатида ҳам ардоқлар эди.

Мудофаа вазири Вейцман ўрнини сиёсатчиларнинг янада ёш авлоди вакили, 1973 йилги Араб-Исроил урушининг қаҳрамони Ариэль Шарон эгаллади. Шамир унинг сиймосида «Ликуд» блоки раҳбарлиги учун курашда ўзига хатарли рақиб кўрди. Лекин вазият ҳамон Шамирга «кулиб боқарди». 1982 йили Ливанга қилинган ҳуружнинг барбод бўлиши бир йўла ҳам Бегинни, ҳам Шаронни эгардан ағдарди. Улар 1983 йил сентябрда истеъфо беришди ва биринчи марта ҳукуматни тузиш Шамирга топширилди. «Ликуд» блокини кашф этган ва узоқ йиллар мобайнида уни илҳомлантирган Бегин асабий зиқликка мубтало бўлди. У 1984 йилда бўлиб ўтган навбатдан ташқари парламент сайловида ўз номзодини қўйиш у ёқда турсин, ҳатто овоз беришда қатнашишдан воз кечди. Бу аслида очиқдан очиқ ўз-ўзини маҳкум этиш эди. «Ликуд» блокида биринчи созни Шамир черта бошлади. Бироқ унинг шуҳратпарастлик фикри — ҳукумат бошлиғи ловозимида мустаҳкамланиб қолиш истаги хавф-хатар остида қолди.

1984 йилнинг июлида кнессетга сайловлар ўткир иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий инқироз шароитида бўлиб ўтди. Бу, табиийки, сайлов натижаларига таъсир этмай қолмади. «Парламент фожиаси» — Исроил матбуоти бу воқеаларга ўз муносабатини шу тарзда билдирди. Етакчи сиёсий кучлардан бирортаси — на «Ликуд» блоки, на Меҳнат партияси — парламентда кўпчилик ўрин эгаси бўла олмади. Боши берк кўчадан чиқиш учун «миллий бирлик» ҳукумати тузилди. Дастлабки икки йилда бош вазир лавозимини Меҳнат партияси раҳбари Шимон Перес эгаллаб турди, кейин эса унинг ўрнига бу лавозимни «Ликуд» блоки бошлиғи эгаллади. Бироқ Шамир бош вазир бўлган 1986 йилдан буён кабинет муттасил жонсарак яшади. Исроилда яшовчи аксарият уни «миллий бирликдан ҳоли бўлган ҳукумат» деб атай бошлади. Перес ташқи ишлар вазири сифатида турли мамлакатлар бўйлаб сафарга чиқиб, Яқин Шарқ танглигини бартараф этиш бўйича халқаро тинчлик конференцияси ўтказиш имкониятини муҳокама қилаётган бир пайтда Шамир Исроилда туриб, бу ғояни остонадан супуриб ташлаш билан машғул бўлди.

Босиб олинган ҳудудларда фаластинликларнинг чиқишлари икки етакчи сиёсий кучлар ўртасидаги, икки раҳбар ўртасидаги ва ҳар бир партия ичидаги зиддиятни кучайтириб юборди.

Фаластин муаммосини фаластинликлар иштирокисиз ечиб бўлмаслигини Шамир тушунарди, албатта. 1987 йилда бош вазир Ғарбий соҳилдаги Фаластин Озодлик Ташкилоти вакиллари билан пинҳоний алоқалар ўрнатиш имкониятини ўрганиб чиқди. Аммо бу ҳақда бошқалар ҳам хабар топгач, «Ликуд» блоки ичида жанжал кўтарилди, Шамир ўзини оқлашга мажбур бўлди. Шамирнинг Фаластин Озодлик Ташкилотига майли бор, деб ўйлаш, албатта, бемаънилик бўлур эди. Аёнки, бу ерда гап фаластинликлар орасидан бундан буён ҳам ўзи хоҳлаганча ҳийла-найранг кўрсатиш учун монелик қилмайдиган «мўътадил» йўлбошчиларни қидириб топиш ҳақида бораяпти.


Ўтган йили майда Исроил ҳукумати «Шамирнинг тинчлик режаси» — Фаластин масаласини бартараф этиш бўйича тадбирлар мажмуасини маъқуллади. Лекин бош вазирнинг янги «кашфиёти» моҳият жиҳатидан Кэмп—Дэвид вариантини саҳифама-саҳифа қайта варақлаш эди. Бу «кашфиёт» негизида Ғарбий соҳилда ва Ғазо секторида «Эркин сайловлар» ўтказиш ғояси ётган бўлиб, сайлов натижасига кўра тузилган «ваколатли гуруҳ» бўлажак мухтор режим масалалари юзасидан Исроил ҳукумати билан музокара олиб бориши лозим эди. Бу сайловни ўтказиш учун биринчи шарт сифатида Исроил босиб олган араб ҳудудларида интифадни тўхтатиш талаби олға сурилганди. У ёки бу даражада таъсирга эга бўлган фаластинлик йўлбошчилар бу тахлит ўйинда қатнашишни рад этдилар.

Туб фаластин муаммосини учинчи марта ҳал қилишга уриниш Қоҳирада бўлиши эхтимол тутилаётган музокаралар билан боғлиқ. Бу масала шу йил март ойида коалицион кабинетда муҳокама қилинди. Яна томонлар ўртасидаги зиддият ўткир кўринишда намоён бўлди. Шамир бошлиқ «Ликуд» блоки етакчилари музокараларда ФОТ «Террорчи ташкилотлари»нинг қатнашишига қатъиян қарши чиқдилар.

«Ликуд» йўлбошчиларининг ҳаётий муҳим масалада бундай муросасизлиги янги сиёсий инқирозни келтириб чиқарди. Исроил кнессети 55 овозга қарши 60 овоз билан ҳукуматга ишончсизлик билдирди. Шамир мамлакат тарихида парламентдаги овоз беришлар натижасида мағлубиятга учраган биринчи кабинет бошлиғи эди. Бироқ Перес ўз вазифасини уддалай олмагач, «сувга чўкмас» Шамир янги кабинет тузиб, яна ҳукуматни бошқариш юмушини ўз қўлига олди.


Муҳолифлари ҳужумига қарамай, Шамир кураш майдонини тарк этмаётганига сабаб нима? Қанчалик ғалати туюлмасин — унинг ўзигагина хос бўлган қатъий ва муросасиз позицияси, деб жавоб қилишга тўғри келади. Ўтган ўн йилликларда кўпгина исроилликларда муайян қараш таркиб топди: мамлакат «душман араблар қамали ичра» кун кечираётир, шу боис ҳар бир сиёсий қадам аввалambор миллий хавфсизлик нуқтаи назаридан баҳоланиши керак. «Жаннатмонанд» бу ерда қудратли бўлсаккина тинчлик бўлиши мумкин, деган фикр Исроилда ҳануз кенг тарқалгандир. Ўз ички ва ташқи сиёсатини Шамир худди мана шу пойдеворга қуриб келмоқда ва ҳозирча сузишда давом этмоқда.

Виктор БАШКИН,
тарих фанлари номзоди.
(ИАН).





АМЕРИКА УЙЛАРИ



Америкаликларни ишбилармон кишилар дейишади. Бу бежиз эмас. Етти ёшдан етмиш ёшгача ҳар бир америкаликнинг қон-қонига сингиб кетган бу хислат. Улар ҳамма соҳада, ҳар бир нарсада ва ҳар вақтда иқтисод қилишга, тежашга ва ибратли яшашга интилишади. Пулни ҳам, вақтни ҳам, материални ҳам, масофа-ю ейиш-ичишда ҳам. Балки Американи Америка қилган, унинг бойлигига бойлик қўшаётган нарса биз икки гапнинг бирида зуғумдор капиталист деб айтадиган корчалонлармас, балки ана шу хислат ҳамдир.

Бинобарин бу хислатни ўзимизга юқтирсак биз ҳам зарар қилмасдик. Сира-сира ёдимдан чиқмайди: 3—4 йил муқаддам марказий ойнаи жаҳонда шундай факт келтирилганди: мамлакат бўйича бир йил давомида темир-терсакларнинг занглашидан келадиган зарар шу қадар каттаки, бу пулга бир миллион киши яшайдиган ва барча қулайликларга (қоғозда эмас, амалда) эга бўлган шаҳар бунёд этиш мумкин. Ҳа, америкалик капиталист бежиз айтмаган экан, ССЖИдаги ҳамма чиқиндиларни (эътибор беринг хом ашё ёки тайёр маҳсулот эмас) менга беришса бутун дунёни забт этардим, деб.

Мана бу суратларга разм солинг. Улар Американинг Нью Лондон, Бостон, Нью Жерси шаҳарлари атрофларида олинган. Уйларнинг бежирим ва ихчамлиги ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Энг муҳими инсоннинг инсондек яшаши, дам олиши, ҳузур-ҳаловат нима эканлигини чинакамига ҳис этиши учун уларда ҳамма нарса муҳайё этилган. Эътиборни тортадиган яна бир томони иккита бир-бирига ўхшаш уйни учратмайсиз. Сабаби улар биздагидек давлат қолипидан чиқмаган, балки эгалари ёки хусусий қурилиш ташкилотлари томонидан бунёд қилинган. Ҳам маблағдан, ҳам материалдан, ҳам вақтдан, энг асосийси жойдан тежалган. Дарвоқе Нью-Йоркдаги осмонўпар 75—100 қаватли иморатлар ҳам фақат «Гиннеснинг рекордлар китоби»га ёзилиш учун қурилмаган: бу ерда ҳам жойдан, ҳам ердан тежалган. Нега десангиз Ер шари истаганча чўзиладиган «резинка» эмаслигини, тежамкорлик эса бойлик манбаи эканлигини улар яхши билишади...

Нима учун бизнинг она юртимизда, Ўзбекистонимизда шундай қилиш мумкин эмас! Ёҳуд бизнинг еримиз чўзилувчанлик хусусиятига эгамикин! Ўнлаб миллатлардан ташкил топган 20 миллион аҳолига бор-йўғи 447,4 минг квадрат километр ер ажратилганини ҳамма ҳам билади-ю. Аммо...

Р. ЖАББОРОВ.
Муаллиф суратлари.

2 ЙИЛЛИК ҚАЙТА ТАЪЛИМ

БЕРЛИН. Собиқ Германия Демократик Жумҳуриятидан Ғарбий Германия ерларига кўчиб ўтган ўқитувчилар мушкул аҳволга тушиб қолдилар. Улар бу ерда икки йиллик қайта таълимдан ўтсалар ёки янги давлат имтиҳонини топширсаларгина иш топишга умид қилишлари мумкин.

«Қирқ беш ёшга кирганда ҳамма нарсани қайтадан бошлаш алам қилади, — дейди жисмоний тарбия муаллими Манфред Майер. — Биз — эр-хотин иккаламиз ватан билан оғир айрилиқ кунларини бошимиздан кечирдик — ГДЖни бир зумда ташлаб чиқиб кетдик. Чунки Ғарбга кетиш учун бошқа имконият бўлмаслигидан чўчирдик. Ёлғон-яшиқ ҳамда сохтакорлик билан яшаш учун эса энди кучимиз етмасди. Бу ерда ҳақиқий эркинликка эга бўламиз, деб умид қилгандик. Лекин... кўп ойлар мобайнида ишсиз юришга тўғри келди, онда-сондагина ишлаб топган пулларимиз ҳисобидан кун кўрдик. Энди эса иккаламиз ёшлар билан биргаликда талабалар ўриндиғига ўтиришимизга, ундан кейин давлат имтиҳонини топширишимизга тўғри келади. Бизнинг ёшимизда буни руҳий жиҳатдан амалга ошириш жўн эмас».

Собиқ Ғарбий Берлинда Германия Демократик жумҳуриятида юқори малакали мутахассис ҳисобланган яна 300 га яқин муаллим Манфрет ва Ханна Майерлар билан биргаликда қайта ўқишга мажбурдирлар. Сенатнинг мактаб масалалари бошқармаси ходими Штефан Вольфнинг фикрига қараганда, бу мажбурий чорадир. ГДЖ ва ГФЖда муаллимларни ўқитиш дастури анча фарқ қилганлиги учунгина эмас, балки мамлакат Ғарбида ўқитувчилар маоши ҳозирча Шарқдагига нисбатан анча кўплигидадир. Агар ҳеч қандай чеклаш бўлмаганида мутахассислар мамлакатнинг Шарқидан Ғарбига кўплаб кетиб қолган, бу эса шусиз ҳам мураккаб бўлган муаммоларни янада чигаллаштирган бўлур эди. Собиқ ГДЖ ҳудудида қолган ўқитувчилар давлат имтиҳонини қайта топширмай ўз фаолиятларини давом эттиришлари мумкин.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЭНГ КИЧИК БУҒ МАШИНА

● ДУНЁДА энг кичик буғмашинани Гельзенкирхон шаҳрилик (ГФЖ) 33 ёшли ихтирочи Детли Абраҳам ўз қўллари билан яратди. Мисдан ясалган бу митти машинанинг узунлиги атиги 14 миллиметр, бўйи эса 12 миллиметрни ташкил этади.

ҚЎЛИДА ПАТНИС БИЛАН

● БРАЗИЛИЯНИНГ Сан-Паулу шаҳридаги Паолиста бош кўчасида 600 дан ортиқ официантлар, ошпазлар ва майхона хизматчилари узоқ масофалик югуришда қатнашдилар.

Ўтган йили бу масофа 1200 метрни ташкил этган эди. Бу йил эса 2 километрга чўзилди. Мусобақа иштирокчиларига қуйидагича шарт қўйилган: улар иккала қўлини ҳам олдинга чўзганча патнис ушлаб югуришлари керак. Патнисга стаканда сув ҳам қўйилади. Шу сувни тўкмаган ҳолда маррага етиш лозим. Агар кимки сувни тўкиб юборса, ўша заҳоти ихтисослигидан маҳрум қилинади. Ғолибларга эса совғалар улашилади ва ўз ихтисоси бўйича юқори лавозимларга тавсия қилинади, деб хабар беради «Прага» (ЧСФЖ) ойномаси.

СИЛЛАСИ ҚУРИБ, ҲУШИДАН КЕТДИ

● 23 ЁШЛИ швед Свен Ларсен кўз кўриб, қулоқ эшитмаган антиқа рекорд ўрнатди. У эрта тонгданоқ Стокгольм вокзалида поездга чиқаётган ва тушаётган йўловчилар билан қўл олиб сўрашишни бошлади ва бу қўл қисишлар кундуз соат 16 га қадар давом этди.

Шу вақт мобайнида Ларсен 11220 нафар одам билан қўл бериб сўрашди. Аммо 11221-сига келганда... «чемпион»нинг силласи қуриб, ҳушидан кетди.

ЕВРОПАДА МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ

● ЯҚИНДА «Зюддойче цайтунг» рўзномаси Европанинг 17 мамлакатидаги ишчиларнинг меҳнат таътили неча кун давом этиши ҳақида хабар босиб чиқарди. Рўзномада ёзишларича, ишчилар учун ГФЖда 30; Люксембургда 27; Австрияда 26, 5; Италияда 26; Францияда 25,5; Данияда 25; Финляндияда 25; Англияда 25; Швецияда 25; Голландияда 24; Швейцарияда 23,5; Грецияда 22; Португалияда 22; Испанияда 22; Норвегияда 21; Бельгияда 20 ва Ирландияда 20 кунлик меҳнат таътили белгиланган.

РУҲИЯТ ТАДҚИҚИ

Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек драма театри саҳнасида яратилган «Руҳ» спектакли тажрибали ва кўпни кўрган мухлисларнинг диққат-эътиборига сазовор бўлмоқда. Спектакль муаллифи, бизга «Илҳом» театр-студиясидаги изчил ижодий фаолияти билан танилган, истеъдодли артист Евгений Бримдир.

Шу йилнинг бошида у «Илҳом»дан кетишга аҳд қилди ва бу билан театр-студиянинг кўплаб шинавандаларини ажаблантириб қўйди. Бундай қилишга уни нима ундади? Менимча бу ижодкорнинг ижодий «янгиланиш» истагидир. Бундан ташқари асл ижодкор учун сув ва ҳаводек зарур бўлган ижодий эркинликка интилиш ёки истеъдодининг ўз фаолияти доирасини кенгайтиришга мажбур этади.

«Руҳ» спектакли Евгений Бримнинг «эркин ижодкор» сифатида яратган саҳна асари. Бу борада Аброр Ҳидоятов номидаги театрнинг эркин ижод йўлини танлаган санъаткорга ўз саҳнасидан фойдаланиш имкониятини берганлиги мақтовга сазовордир.

Шуни айтиб ўтишим кераки, «Руҳ» театр репертуаридан ҳеч «ким»нинг ўрнини ўғирламаган». Спектакль театрнинг дам олиш кунларида қўйилади. Бир актёр услубида қўйилган бу саҳна асари декорацияларини таниқли рассом Г. Брим яратган. Бундан ташқари спектаклда Светлана Брим ҳам иштирок этади.

Келинг, «Руҳ» билан яқинроқ танишишга уриниб кўрайлик.

...Томошабинлар залида илоҳий орган мусиқаси янграмоқда. Саҳна тим қора «либосда», қурилма декорациялардан холи бўлгани туфайли бўм-бўш кўринади аввалига. Бир қарашда саҳна бўшлиги қоп-қора ва чуқур яшчикка ҳам ўхшаб кетади. Аста-секин кузатув мобайнида эътиборингизни ортдаги қип-қизил пардалар зич тортилган «Ўйинчоқ» саҳна жалб этади.

«Ўйинчоқ» саҳна пардаларини қўлчалари билан бир оз суриб «катта» саҳнага «қўғирчоқ одам» (Светлана Брим — қўғирчоқни ҳаракатлантирувчи) кириб келади. У нимадандир жуда хурсанд, юзида табассум худди қотиб қолгандай туюлади. Қўғирчоқ қўлларини юқорига кўтариб бизни қутлайди, биз ҳам беихтиёр уни олқишлаймиз. «Одам»ча мамнун, биздан ҳам ўзидан. Бир вақт томошабин зали шифтидан арқондан ясалган нарвонга чирмашган ҳолда нимадир, аниқроғи кимдир пайдо бўлади. Бу кимсанинг юзига диққат билан қарар эканмиз, унинг қўғирчоқ-одамга жуда ўхшашлигидан лол қоламиз.

«Қўғирчоқ» одам ва кутилмаганда «пайдо» бўлган кимса кимлар, қолаверса, нималар ўзи?

Спектакль дастури бу саволлар хусусида қуйидагича маълумот беради: «...Ҳозир сиз ноёб томоша шоҳиди бўласиз: кўз ўнгингизда бир-биридан ажралган ҳолда инсон руҳи ва жисму-жони намоён бўлади. Жисму-тан қўғирчоқ кўринишида гавдаланиб, унинг ҳаёти маълум бир ташқи «куч»ларнинг хоҳиши ва «кўрсатма»лари таъсири остида кечади. Инсон руҳи эса жисму-таннинг эътибори ва илтифотисиз қоладиган ҳаётдаги ҳодисаларни мушоҳада қилади. Жисму-тан учун бўлиши мумкин бўлмаган «нарса»лар руҳга оддий ва элементар кўринади. Айнан руҳ кўплаб хатоларга йўл қўйиш хусусиятига эга, ўз навбатида жисму-тан ҳаётида бирон-бир хатога йўл қўйишдан ўлгудай қўрқади.

Шунга қарамай, қўрқув ва саросима талвасаси, калтабинлик, лоқайдлик, беparволик ҳамда шафқатсизлик кўп ҳолларда устун келиб, фожиали ҳалокатлар содир бўлмоқда.

Беихтиёр савол туғилади: «Жисму-тан билан Руҳият ўртасидаги ихтилоф сабаби нимада?»

Спектакль мана шу мураккаб саволга жавоб излайди.

...Руҳ (Евгений Брим) нимадандир хавотирда. У баъзида болаларча кулгили, баъзида эса эсини йўқотган одамларнинг руҳий изтиробини ифодаловчи ҳатти-ҳаракатлари билан томошабинда зиддиятли туйғулар уйғотади. Ўз «руҳи»дан қўрқиб кетган қўғирчоқ ҳам қаёққадир ғойиб бўлганини сезамиз.

Унутмайликки, саҳнада — актёр руҳи (дастурда қуйидагича ёзилган: «...инсон руҳи хусусан актёр руҳи...»). Шунинг учун бўлса керак, у томоша жараёнида турли характерлар қиёфасида гавдаланади.

...Саҳна шипидан пастга қараб хилма-хил театр либослари илинган қозиқ тушиб келди. Қаҳрамонимиз руҳ кийим-кечакларни кўздан кечирмоқда. Ҳар қайси либос — маълум бир «характер»нинг турмуш тарзи қайсидир инсоннинг ҳаёт йўли. Хўш, у қайси «либосни» танлар экан? Қаранг, руҳнинг эътиборини аскарлар этиги ва каскаси жалб этади. У этикни кийиб олиб, юришга ҳаракат қилмоқда. Ҳарбий форма кийиб юришнинг ўзи бўлмас экан. Нимадир етишмаяпти. Балки шиддатли марш садосидир? Энди у ҳам янграмоқда.

Ҳозирги томошабинларда самимий ва қувноқ кулги уйғотаётган руҳ энди шаҳдам ва равон қадам босиши-ю, қадди-қоматини ҳарбийчасига ростлаб юриш билан бизни ажаблантирмоқда. У қўлидаги қаердандир топиб олган ясама милтиғидан томошабинлар залидаги ноаниқ нишонга ўқ узади. Залда ўтирганлар беихтиёр, ўзлари сезмаган ҳолда, эгиладилар... Оз дақиқа ичида оддийгина кимса ҳар қандай буйруқларни бажаришдан бош тортмайдиган аскарга айланиб қолди. «Ўйинчоқ» милтиққа бўлган соғлом қизиқишдан то ҳақиқий қуроллардан ўйламай туриб ўқ узишгача ва одам ўлдиришгача — фақат бир қадам. Биз, иложи борича, бу «қадам»нинг босилишига йўл қўймаслигимиз керак.

«...Қаҳрамонимизнинг ҳарбийларча шуҳратпараст ниятлари пучга чиқди. Актёр бу саҳнани жуда содда йўл билан ечган.

Саҳнанинг чап томонида зинапоя ўрнатилган бўлиб, «аскар — руҳ бу зинапоянинг юқоридаги поғонасига ўрнашмоқчи бўлади. Қарама-қарши томондан, шиддат билан югуриб бориб «ҳукм поғонасига» сакрайди, аммо... бу «сакраш» уни ерга қулатади.

....Бўлди, етар, энди «уруш-уруш» ўйнамаймиз...

Бир оздан сўнг, ажойиб балет мусиқаси қулоғимизга чалинади. Саҳнада — «жозибали» балет рақкосаси. Руҳ балерина қиёфасида кулгили кўринса ҳам, унинг баъзида нозли, баъзида эса шиддатли рақсида самимият ва бизга ҳаётимизда етишмайдиган руҳ эркинлиги, эрк ҳисси бор. Евгений Брим рақсга тушар экан балериналар ҳатти-ҳаракатларини мазах қилмайди. У шунчаки балет санъатига хос чеклама ва қонун-қоидалардан эркин ҳолда рақсга тушади. Рақкоса ўйини давомида саҳнадаги арқонни кафтлари билан маҳкам ушлаб оёқлари билан кескин ҳаракат қилади ва ...учади, ҳа, ҳа, уча бошлайди.

Азизлар, қўрқманг, уялманг, ҳақиқатан учиш орзуингиз бўлса, учаверинг, ар-қонда бўлса ҳам, ҳаёлан бўлса ҳам...

Шу тариқа спектакль мобайнида электр симларига қарши «курашган» қадимги Рим аскари, Шекспир, Мольер ва Пушкинларнинг ўлмас асарларидан таниш бўлган сиймолар, «ҳасис» образи, биз билан сизнинг «посбонимиз» бўлмиш совет милиционерлари қиёфаси ва ҳайвонот олами вакиллари саҳнада бирин-кетин «пайдо» бўлишади. Қаҳрамонимиз — руҳ юқорида қайд этилган образ ва қиёфаларда гавдаланар экан, уларга хос хусусият ва хислатларни очишга тиришади. Тун вужуди билан киришади ва муқаррар қандайдир ғайритабиий, ноқулай, ҳатто кулгили, баъзида эса фожиали вазиятга тушиб қолади. Балки биз, сезмаган ҳолда, руҳнинг ноқулай ёки фожиали вазиятга тушиб қолишини хоҳлармиз. Нега? Ҳаётимиз ва давримизнинг ҳақиқий «чеҳра»сини кўрсатиб бермоқчи бўлганидан эмасми мабодо?

Эзгулик ва қаҳр орасида бир қадам масофа бор. Руҳ буни яхши билади, бизчи?

Қаҳрамонимиз мураккаб фалсафий муаммолар, жавоби топилмаган саволларни қўйди бизнинг олдимизга. Биз бу муаммоларни ечишга тайёрмизми?

Менимча, йўқ. Шунинг учун бўлса керак узоқ вақт кўринмаган «қўғирчоқ» одам саҳнада пайдо бўлганида томошабин, негадир, енгил тортади. «Одамча» руҳини саҳнадан чиқиб кетишга ундайди. Бечора руҳ секин-аста ғойиб бўлади. Қўғирчоқ эса ўзи билан бирга томошабин олқишларини ҳам қизғин қарсакларнинг ёқимли шов-шувини «олиб кетади»...

Спектакль мобайнида актёр биронта ҳам сўз ишлатмаган. Томоша тилини ранг-баранг, ҳатти-ҳаракат, мимика, пантомима, имо-ишоралар ва «соя театри» элементлари ташкил этади. Воқеалар мазмунини саҳнавий ҳатти-ҳаракатлар тўқимасининг томошабин қалбида қолдирган таассуроти орқали англаш мумкин. Ҳар қайси томошабин таассуроти ўзгача. Демак, спектаклга нисбатан муносабат ҳам турлича бўлиши муқаррар. Бир томондан, шундай бўлгани соз. Ранг-баранг таассуротлар, фикр ва мулоҳазалар «тўқнашуви» соғлом ижодий баҳс туғдиради. Баҳс эса ҳақиқатни англаш йўлларидан биридир.

Шундай экан, келинг, баҳслашайлик.

Гули ОТАБОЕВА,
Маннон Уйғур номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институти толибаси.

ОЛТИ ЙИЛДАН КЕЙИН УШАЛГАН УМИД

...Бу кунни биз олти йил кутдик. (1985 йилни ҳам қўшиб ҳисоблаганда!) Эҳ, бу йиллар мухлислар учун қанчалар узун кечганини билсангиз эди! Ҳа, «Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ» деганларича бор экан. Сиз-у бизнинг сабр-бардошимизга «балли» дейдиганлар гоҳ топилди, гоҳ...

Йўқ, биз бугун кечаги ҳал қилувчи ўйин ҳақида гапирмоқчи эмасмиз. Ўйиннинг ҳисоби қайси ўйинчимиз яхши ўйнагани-ю қайсиниси қўпол хатоликларга йўл қўйганлиги, биринчи лиганинг энг кўп тўпурари Игорь Шквириннинг ўз тўплари сонини 35 тага етказганини шундоқ ҳам биласиз. Яхшиси, бу ўйиндан сўнг мухлисларни чўлғаб олган кайфият, «Пахтакор» ўйингоҳи узра кезган ажабтовур руҳ ҳақида икки калима сўз.

Ҳакамнинг сўнгги ҳуштаги жаранглагандан кейин ҳам стадионни ҳеч ким ташлаб кетмади. Ҳаяжонли лаҳзалар. Шу ерда бир ҳақиқатни тан олиш керак. Мухлис аҳли ўзининг яхши кунида ҳам, мусибатли кунида ҳам бегонасирамайди. Улар миллат ажратмайдилар, бир-бирини қучоқлаган ким, ўпган ким? Айниқса, пахтакорчиларнинг суюнганини айтмайсизми?

««Пахтакор», «Пахтакор»... минг-минглаб ишқибозлар овози бутун Ўзбекистонни (қолаверса, «Пахтакор» командасининг беҳисоб мухлислари яшаётган қўшни жумҳуриятларни ҳам) тутиб кетди гўё. Мана шундай кунларимиз доимо кўп бўлсин! Рост, шу куни «Пахтакор» ўйинчилари ўзларининг севимли устозлари Фёдор Новиковни, ўзбек футболининг довруғини танитган команда бошлиғи Биродар Абдураимовни осмонга кўтариб, олқишлашганида... 1979 йилги авиа ҳалокатида ҳалок бўлган «Пахтакор» командаси ўйинчиларини хотирладик. Биров қувончидан, биров армонидан ҳўрсиниб-ҳўрсиниб йиғлади...

Бу турда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Пахтакор» — «Локомотив» (НН) — 7:2, «Таврия» — «Кубань» — 5:1, «Тирас» — «Динамо» (Сх) — 2:1, «Қайрат» — «Факел» — 0:1, «Локомотив» (М) — «Нистру» — 3:1, «Кузбасс» — «Металлург» — 0:1, «Геолог» — «Зенит» — 1:0, «Шинник» — «Нефтчи» — 4:0, «Спартак» — «Ростсельмаш» — 2:1, «Котайк» — «Динамо» (Ст) — 2:3.



СУРАТЛАРДА: ўйиндан лавҳалар.
Е. БОТИРОВ суратлари

«КАМАЛАК»

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Мусобақа жадвали

	У	Ю	Д	М	Т	О
«Спартак»	36	22	9	5	68-29	53
«Металлург»	36	19	13	4	55-26	51
«Пахтакор»	36	21	8	7	76-44	50
«Динамо» (Ст)	36	19	6	11	51-37	44
«Шинник»	36	18	8	10	52-37	44
«Локомотив» (М)	36	17	9	10	45-33	43
«Нистру»	36	13	11	12	45-42	37
«Нефтчи»	36	13	10	13	50-47	36
«Факел»	36	13	9	14	40-42	35
«Динамо» (Сх)	35	13	8	14	30-37	34
«Таврия»	36	9	16	11	36-37	34
«Геолог»	36	12	9	15	33-44	33
«Тирас»	36	9	15	12	28-42	33
«Котайк»	36	11	9	16	41-50	31
«Ростсельмаш»	36	11	9	16	37-49	31
«Локомотив» (НН)	36	10	11	15	38-54	31
«Зенит»	36	8	14	14	34-37	30
«Қайрат»	36	9	10	17	33-48	28
«Кубань»	36	10	6	20	31-55	26
«Кузбасс»	35	4	6	25	21-54	14

Ақраб юлдузлари туркуми

(24 ОКТЯБРЬ — 22 НОЯБРЬ) БУНЁДКОРЛИК. СУВ БЕЛГИСИ РОСТГЎЙ.

Бу даврда туғилганлар ўз характерлари устидан назорат қила олишади. Уларнинг кўзларидан гипнотизм нурланиб туради.

Улар ҳеч қачон ўзларини танқид қилишмайди, яъни ўзларидаги ютуқ-камчиликларни билишади. Танқид ва мақтовдан уларда ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди. Қоида бўйича улар тўкис ва соғлом бўлишади. Аксарият ақраб белгиси остида туғилганлар қўрқмас ва жасур бўлишади. Дўстларига жуда содиқ. Бу даврда туғилганлар атрофдагилар кўрсатган ғамхўрлик билан ёмонликни ҳеч қачон унутишмайди. Эртами-кечми улар ўз дўстлари билан ҳисоб-китоб қила оладилар. Одатда улар яшашга қийналишади. Ўзларидаги ғайрат, энергия ва соғлом ақл ишларида омад юришишга шароит яратиб беради. Лекин бунга қарши жаҳлдорлиги билан ўзларига кўп душман орттиришлари мумкин.

Хизматда ва ўз бурчларини адо этишда қатъий иродали бўлишади. Бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ва инсонлардаги салбий томонларни тез илғаб олишади. Ўз мақсадларининг амалга ошириш йўлида ҳеч нарсадан қайтишмайди.

Улар олов, портлашлар ва радиациядан узоқроқ бўлганлари маъқул. Ортиқча зўр беришсиз ҳам кўп нарсага эга бўла оладилар ва ўзларидан кучсизларни доим ҳимоя қила оладилар.

Оилани ва болаларни ёқтиришади. Бу борада уларга кучли ирода билан омад ёрдам беради.

Улар нимани амалга оширишни хоҳласалар албатта уддасидан чиқа оладилар.

Ортиқча меҳнат туфайли касалланишлари мумкин. Лекин тезда соғайиб кетадилар. Ақраб юлдузлар туркуми бошланган даврда туғилган одамларга хос бўлган астрологик қонунга кўра, улар туғилишдан бир йил олдин ёки бир йил кейин оилаларида кимдир оламдан ўтиши мумкин.

Улардан яхши табиб, тарихчи, археологик мусаввир, актёр ва бошқалар чиқиши мумкин.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

НУЖлар кимга учрайди?

Бу саволга тўлиқ жавоб бериш қийин. Матбуот саҳифаларидаги хабарлар кишини анча ўйлантириб қўяди.

Бундан бир неча йил аввал ўзга сайёраликлар ҳақидаги мақола мўъжиза ишқибозларининг уйдирмаси ҳисобланарди. Ҳозир ҳам шундай ўйлаётганлар оз эмас. Биз инсонлар қўлимиз билан ушлаб, кўзимиз билан кўрмагунча узун-қулоқ гапларга ишонмаймиз, айниқса, илм-фан ходимлари.

Айтишларича, инсон онги учун хизмат қиладиган ҳужайраларнинг ўн бир фоизигина уйғоқ, қолганлари уйқуда экан. Хўш, агар ўша ҳўжайраларнинг эллик фоизи ишлаб кетса, имкониятларимиз қай даражада бўларди? Балки биз учун вақт, масофа ўз кучини, аниқроғи таъсирини йўқотармиди, зумда ўзга оламларга етиб борармидик, руҳий парвоз машқини олармидик, зотан ҳозирги кунларда ғайри оддий хусусиятларга эга бўлган кишилар кўпайиб бормоқда.

Яқинда Билим жамиятига қарашли маърузачилар уйида янги, ҳозирданоқ муштарийлари орзиқиб кутаётган «Сирли олам» ойномаси муҳаррирлари ва экстрасенслар билан учрашув бўлиб ўтди.

Ойноманинг бош муҳаррири Ҳожиакбар Шайхов таҳририят режалаштириб қўйган айрим мақолалар ҳақида, «Сирли олам» ёшларимизнинг, қолаверса, халқимизнинг маънавий дунёсини бойитишда катта ёрдам беражаги тўғрисида гапирди. Таниқли ёзувчи, рассом Евгений Березников эса шарқ халқларининг бой ўтмиши, теран, руҳий олами, илоҳий куч, мўъжизакорлик инсонга қадим-қадимдан мерос бўлиб келаётганини эҳтиром ила таъкидлаб ўтди. Экстрасенсларнинг чиқиши, айниқса, бундан бир ой муқаддам (20 сентябрда) ўзга сайёраликлар билан мулоқотда бўлган Миразиз Мирраҳимовнинг ҳикояси барчада қизиқиш уйғотди.

МУЛОҚОТ ЯРИМ ТУНДА

Заркент қишлоғининг «Машрат ота»қабри яқинида содир бўлди. Изғирин, совқотиб кетаяпмиз. Зулфиябонунинг илтимоси билан мен ҳазрати ёсинни ўқий бошладим. Бир пайт олти-етти метрлик чинор орқасига катта ликопча қўнди. Тепасидаги қип-қизил чироқ айланиб турарди. Зумда атрофга иссиқ ҳаво тарқалди, худди саратон шамоли эсаётгандек қизиб кетдик. НУЖнинг — номаълум учувчи жисмнинг эшиги очилиб пастга зина тушди ва ўзга сайёралик ерга қадам босди. Унинг этиги бир метрдан ошиқ, ўзининг бўйи эса олти метрли дарахт баравар кўриниб турарди. Улар учта эдилар. Бошлари худди челак тўнтариб қўйилгандек, тепа қисми ясси, кўзлари битта, юзлари кўкимтир — силлиқ. Эгниларидаги қаттиқ жисмдан тикилганлиги сезилиб турган кийим чироқ нурида ялтирайди.

Мулоқотга чиққан ўн чоғли одам ваҳимага тушиб, тиллари калимага келмасди. Зулфиябону ниҳоятда безовталаниб, йиғлай бошлади: «Улар мени олиб кетишмоқчи, бормайман, мени маҳкам ушланглар», — деб ўзини ҳар ёққа урарди. Бошқа аёллар ҳам унга қўшилиб йиғи-сиғини бошлаб юбордилар. Бу ҳолат меҳмонларга ёқмади, шекилли, улар қўл кўтариб фикран сўзлаша бошладилар. Бир қўлда катта китоб, (унинг зарҳал ёзувлари ялтираб турарди) иккинчисини одамлар томон чўзиб, уч киши келсин, ишорасини қилганларида яна қўрқув, таҳлика кучайиб кетди. Шундан кейин ўзга сайёраликлар индамай кемага чиқдилар»...

Миразиз МИРРАҲИМОВ ҳикоясидан сўнг савол-жавоб бошланиб кетди. Яна шундай мулоқотда қатнашиш истагини билдирганлар кўп бўлди. Навбатдаги мулоқот қай тарзда ўтади, башорат қилишдан ожизмиз, лекин еримизга НУЖларнинг тез-тез ташриф буюраётгани, оддий одамлар руҳлар билан фикран гаплашаётгани ҳақида баҳоли қудрат тушунчаларимизни ҳурматли ўқувчилар билан ўртоқлашяпмиз.

Аввало қувват тушунчасини бироз кенг маънода англашга уриниб кўрайлик. Инсон қуввати — биоэнергия ўзида бир неча табиат унсурларини уйғунлаштирган ҳолда руҳий қувватга ҳам эга. Қуръонда айтилишича, Оллоҳ инсонни лойдан ясаб унга ўз қудрати, нури билан жон ато этган. Оламдаги барча сайёралар бир-бири билан мана шу илоҳий нур орқали боғланган кўринади. Танангизда бирон жойингиз оғриса зумда мияга хабар келганидек, буюк онг — оламнинг ҳар бир нуқтасида, зеррасида кечаётган ўзгаришлардан воқифдир. Бу хабарни етказувчилар ким — руҳлармикан?

Ернинг таназзулга юз тутаётгани сир бўлмай қолди. Она бемор фарзандига меҳрибонроқ бўлганидек, ўн саккиз минг оламни яратган ҳам Еримизни даволаш йўлига ўтдимикин?!., Зотан Ер ҳам жонли, у ҳам ўз нидоларини йўллай олади. Лекин ўзга сайёраликлар ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишимиз учун олган билимларимиз етарли эмас. Фаразлар-у, жумбоқлар тўрига илашиб, ўзимизни ҳар ёққа урмоқдамиз. Чора излаб...

Соҳиба АБДУЛЛАЕВА.

ТВ

28 ОКТЯБРЬ — ЯКШАНБА

● УзТВ I

8.00 «Ҳафтанома» (такрор.).

9.00 «Ҳамёнда қуёш». Бадиий фильм (М.,Горький номли киностудия). 10.10 «Депутат минбари». ЎзССЖ Олий Кенгаши сессияси олдидан. 10.30 Ҳужжатли экран. 11.10 «Алифбо сабоқлари». (такрор.). 11.45 «Халқ ижодиёти». 12.45 «Йўлингиз бехатар бўлсин!» Тошкент шаҳар юк ташиш транспорти концерни фаолияти ҳақида.

* * *

16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 Футбол бўйича ССЖИ чемпионати. «Пахтакор» — «Факел» (Воронеж). «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж. Танаффус пайтида — «Аралаш». Ҳажвий киножурнал. 18.50 «Кичкинтой» программаси. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Анор» ашула ва рақс дастасининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Бегоналар бу ерда юрмайди». Бадиий фильм («Ленфильм»). 23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

8.30 Спорт ҳамма учун. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 «Спортлото» тиражи. 9.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув. 10.30 «Ватан хизматида». 11.30 Тонгги дам олиш программаси. 12.00 «Дунё бўйлаб». Альманах. 13.00 «Здоровье». 13.45 «Хомхаёлни тарк этиб». Ҳужжатли фильм. 14.00 Сиёсий мулоқотлар. 14.30 «Бахтли тасодиф». Телевикторина. Саралаш тури. 14.45 «Таиланд: қадимий ибодатхоналардан иқтисодий мўъжизага». 15.30 «Сизни гитарачи Пако де Лусиа таклиф этади (Испания). 16.55 Телевизион ҳужжатли фильм. 17.05 «Москва — Сиэтл». Мусиқий лавҳа. 17.25 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама. 18.40 «Марафон-15». 20.10 «Жарликлар». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. I-серия (Одесса киностудияси). 21.30 «Вақт». 22.00 «Оддий ва мангулик ҳақида». 22.15 П. И. Чайковский. 100 та романс. 22.35 «Маппет-шоу». Кўп серияли телевизион қўғирчоқ фильм-концерт премьераси. 7 ва 8-сериялар. 23.20 «Джаз портретлари».

● МТ II

8.30 Зарядкага сафланинг! 8.45 «Иштиёкманд». Куйбишев шаҳридан кўрсатилади. 9.10 «Экранда — 01» хизмати». 9.45 «Контакт». Радишчевнинг «Петербургдан Москвага саёҳат» китоби нашрдан чиққанлигининг 200 йиллигига. 10.30 Болалар учун фильм. «Заборьеда ёз» (Эстон телефильми). 11.35 «Биз яшаётган олам». Режиссёр Б. Галантер фильмлари. «Шаговик» (Свердловск киностудияси); «Умримизнинг энг яхши кунлари» фильмидан новелла». 12.25 Коллаж. 12.30 «Олтин оҳу». Мультфильм. 13.00 Волейбол. Жаҳон чемпионати. Эркаклар. Ярим финал. Бразилиядан кўрсатилади. 14.30 «Масловкадаги уй». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Ҳайкалтарош Н. И. Нисс-Гольдман ҳақида» («Союзтелефильм»).

15.00 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ВИДЕОКАНАЛИ

17.30 «Планета». Халқаро программа. 18.30 «Она-замин ташвишида» туркумидан.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 28604.